

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
максус таълим вазирлиги**

**Гулистон давлат университети**

**“Экология ва география” кафедраси**

**5110500-география ўқитиш методикаси таълим йўналиши**

**32-12-гуруҳ талабаси Тўхлиев Мирмуҳсиннинг**

**“Касб – ҳунар коллажларида “Инсониятнинг глобал  
муаммолари” мавзусини янги педагогик технологиялар  
асосида ўқитиш” мавзусида бажарган**

**битириув малакавий иши**

**Раҳбар: География фанлари номзоди,**

**доцент Каршибаева Л**

**Гулистон-2016**

Битирув-малакавий иши кафедранинг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -  
йиғилишида мухокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Ҳимояга тавсия этилди\_\_\_\_\_ А.Юлдашов, кафедра мудири,  
география фанлари номзоди.

Тақризчилар\_\_\_\_\_

## Кириш

**Муаммонинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “Таълим беришнинг илфор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларини яратиш ва ўқув – тажриба жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш” таълимнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш билан узвий боғланган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш назарда тутилган.

Таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган истиқболли дастурларнинг яратилиши ва амалда татбиқ этилиши натижасида ўқув жараёни кўпроқ талаба шахсига йўналтирилмоқда. Бу эса, мустақил фикрловчи, ижодкор, миллий ғояларга содик ва юксак касб маҳоратига эга бўлган фуқарони шакллантириш соҳасидаги педагогик интилишларнинг асосини ташкил этади. Бунинг учун ўқув-тарбия жараёни сифатини такомиллаштириш ва кафолатланган натижага эришишни таъминлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом бола йили” давлат дастури тўғрисидаги Қарорида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интелектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўйилган вазифаларда “...таълим жараёнига янги ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш” кўзда тутилганлиги долзарб вазифалардан биридир. Таълим-тарбияда мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш, ҳам ўқитувчи, ҳам таълим олувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган метод, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқдир.

Педагогик технология таълим жараёнига янгича, ўзига хос белги ва хусусиятларга эга бўлган тизимли ёндашувга асосланади. Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаблар ўқувчи-талабаларнинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини ошириш, илмий фикрлашга ва ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, назарий ва амалий машғулотлар мобайнида уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган.

Ўқув жараёнининг сифати қўп омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида ўқитишининг метод ва усуллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Улар билимларни онгли ва чуқур ўзлаштирилишига, талабаларда мустақиллик ва ижодий фаолликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Жаҳон педагогик тажрибаси педагогик технологияларнинг талабаларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашида фаолликни оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Янги педагогик технология таълимнинг маълум мақсадга йўналтирилган шакл, усул ва воситаларининг тизимиdir. Унинг имкониятлари қўп бўлиб, техник воситалардан, лаборатория жиҳозлари, амалий машғулот хоналари, психологик воситалардан (ишчанлик ўйинлари ва ижтимоий-психологик тренинглар), педагогик воситалардан (педагогик-новаторларнинг янги ўқув тизими), дарснинг ноанъанавий шакллари, рейтинг тизими ва бошқалардан фойдаланиш орқали амалда жорий қилиш мумкин.

География дарсларида фойдаланиладиган метод ва усуллар ўқувчи-талабаларнинг амалий фаолиятида билим, кўникма ва малакаларни қўллаш, меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, мустақиллик, иродани тарбиялаш, маънавий ва эстетик дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, диққат, хотира, нутқ, тафаккур, солиштириш, ижодий қобилият ва бошқаларни ривожлантиради. Бу эса битирув малакавий иш мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Педагогикада ўқитиши методларини таснифлашга ягона ёндошиш мавжуд эмас. Ҳозирги

дидактикада ўқитиш методларини билимлар манбаи бўйича (С.О.Лордкипанидзе, Е.А.Голант), дидактик мақсадлар бўйича (Б.П.Есипов), билиш фаолиятининг савияси бўйича (И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, М.И.Махмутов) фарқлаш энг қўп тарқалган. Ана шу таснифларнинг ҳар бирида афзаликлар ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар адабиётларда етарлича таҳлил қилинган.

Янги педагогик технологиялар ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш бўйича жаҳон, МДҲ ва республикамиз олимлари томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Янги педтехнология тушунчасининг вужудга келиши 60-йилларда Америка ва Ғарбий Европада таълимни ислоҳ қилиниши билан боғлиқ. Янгича ўқитиш ғояси ва тамойиллари С.Л.Рубинштейн, М.И.Махмутов, В.Окон, И.Я.Лернер, Т.Сакомото (Япония), В.П.Беспалко каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Жаҳон педагогикасида Б.Блум, Ж.Королл, П.Галперин, В.И.Давидов, Н.А.Менчинская технологиялари машҳурдир.

Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилингандан бошлаб, таълим тизимида, педагогик нашрларда педагогик технологиялар муаммолари долзарб тадқиқотчилик объектлари сифатида кўтарила бошланди. У.Нишоналиев, Н.С.Саидхмедов, Н.Н.Азизходжаева, М.Зиямуҳаммедов, У.Толипов, Б.Л.Фарберман, Р.Ишмуҳамедов каби педагог-олимлар республикада педагогик технологиялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Мамлакатимиз география таълимида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш О.Мўминов, Р.Қурбонниёзов каби олимлар томонидан ўрганилган. Лекин кўпгина методик қўлланмаларда асосий эътибор таълим методларини таърифлашга қаратилган. Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида география курсларидаги мавзуларни ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар етарли даражада ёритилмаган. Шунинг учун мазкур битирув-малакавий ишда амалий география курсидаги “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзуини

ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш масалаларини ўрганишга ҳаракат қилинди.

**БМИнинг тадқиқот обьекти ва предмети.** БМИнинг тадқиқот обьекти сифатида академик лицей ва касб-хунар коллажларида амалий география фанидан “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзуни ўқитиши жараёни танланди. Ишнинг предмети эса мазкур мавзуни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари, воситалари ва методлари, уларни ўқитишининг самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш ҳамда мавзу бўйича дарс ишланмалари тайёрлаш ҳисобланади. БМИда педагогик амалиёт даврида ўтказилган кузатиш, педагогик эксперимент, таққослаш каби методик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**БМИнинг мақсади ва вазифалари.** Ушбу битирав-малакавий ишнинг мақсади академик лицей ва касб-хунар коллажлари талабаларига “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш орқали жаҳон миқёсида содир бўлаётган экологик, демографик, озиқ-овқат ва бошқа глобал муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари тўғрисидаги билим, кўникума ва малакаларини ривожлантиришdir. Мавзуни ўқитишда замонавий технологиялар ва инновацион методлар, хусусан, муаммоли таълим, дидактик ўйинлар, ҳамкорликда ўқитиши, интерфаол ва бошқа методлардан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Қўйилган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, қуидаги вазифалар белгиланди:

- Янги педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг таълим тизимига жорий этилиши, таълим жараёнини ташкил этишда тутган ўрнини ёритиши;
- Янги педагогик технологияларнинг таснифи ва турларини, улардан таълим жараёнида фойдаланиш услубиётини ўрганиш;

- Янги педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари, мақсади ва вазифалари, ўқитиш самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини тушунтириш;
- “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар дарс ишланмалари тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тадқиқотнинг илмий янгилиги бу академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиладиган амалий география курси бўйича дарслер ва ўкув қўлланмаларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусига мос янги педагогик технологияларга асосланган метод ва усулларни ўрганиш, улардан дарс жараёнида самарали фойдаланиш ва талабаларнинг фанга қизиқишини ошириш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** сифатида шуни айтиш мумкинки, дарс бериш жараёнида янги педагогик технологияларга асосланган метод ва усуллардан фойдаланилганда талабаларнинг мустақил билим олишга ва ўрганишга бўлган қизиқиши ортади, шунингдек, ўрганилган ҳар бир глобал муаммолар ҳақида яққол тасаввур ҳосил бўлади. БМИда тавсия этилган дарс ишланмаларидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари амалий география курси бўйича “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзуларини ўтишда фойдаланиш мумкин.

**БМИнинг таркибий тузилиши.** Мазкур битирув иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. БМИнинг матн қисми 70 бетдан иборат бўлиб, мавзуга оид жадвал, чизма ва расмлар келтирилган. Амалий география курси бўйича “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзуси бўйича янги педагогик технологияларга асосланган технологик карталар илова қилинган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 24 та манба ва 5та интернет сайти кўрсатилган.

## **І-БОБ. ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МАЗМУНИ, МОҲИЯТИ, ТАСНИФИ ВА ТУРЛАРИ**

### **1.1. Янги педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари, босқичлари, йўналишлари, мақсади ва ўқитиш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти**

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини қисқа вақт ичида баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат талаб этади. Бу муҳим вазифани амалга ошириш таълим муассасаларида ўқитишнинг анъанавий методларини илғор педагогик технологиялар билан қўшиб олиб боришни тақозо этмоқда.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи, эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўйламиз”.

*Педагогик технология* - барча бошқарилувчи ташкилий қисмлар ва уларнинг боғлиқлигини таҳлил қилиш, танлаш, лойиҳалаш ва назорат қилиш йўли билан педагогик самарадорликни юқори даражага қўтариш ҳамда бу борада тизимли ёндашувни жорий этишни ифодалайди.

Педагогик технология - шундай билимлар соҳасики, улар ёрдамида XXI асрда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талабаларда ҳурфиксалик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равища шаклланади.

Технология тушунчаси техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга XX асрнинг 2-ярмида кириб келди ва юонча икки сўздан-*технос* (течн)- санъат, ҳунар, маҳорат ва *логос* (логос) - фан, таълимот сўзларидан ташкил топиб, ҳунар фани маъносини англатади.

«Педагогик технология» ибораси фанга биринчи марта 1970 йилда япон олими Т.Сакамоте томонидан киритилган. Олимнинг фикрича, педагогик технология ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳасидир. Профессор Н.Ф.Тализина педагогик технологияни белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усулларини аниқлашдан иборат деб ҳисоблади.

Технологик жараён ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган ҳолда, амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутади. Янада аникроқ айтадиган бўлсак, технологик жараён бу меҳнат куроллари билан меҳнат объектларига босқичма-босқич таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш борасидаги ишчининг фаолиятидир.

“Педагогик технология” сўз бирлиги эса инглизча “**ан едусатионал течнологи**” – “**таълим технологияси**” иборасининг аниқ бўлмаган таржимаси бўлиб, таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи таълимот маъносини англатади.

Таълим технологиясининг жуда кўп таърифлари мавжуд. Шулардан энг мақбули ва жаҳон педагоглари томонидан эътироф этилгани ЮНЕСКО томонидан қуийдагича берилган таърифдир:

“Таълим технологияси”–таълим олиш шаклларини мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қўювчи, яъни бутун таълим бериш жараёнини ҳамда техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда, билимларни ўзлаштириш, уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усулидир”.

Педагогик технология эса – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида талаба-ўқувчиларга муайян шароитда таъсир

кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Ҳозирги кундаги педагогик нашрларда технология атамасини хилма хил талқин этилиши ҳолатини кузатиш мумкин: ўқитиш технологияси, ўқув жараёни технологияси, маълумот технологияси, тарбия технологияси ва бошқалар. Ўқитиш технологияси педагогик технологияга яқин тушунча бўлсада, айнан ўхшаш маънони англатади, чунки у маълум предмет, мавзуу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материалларини ўзлаштириш йўлини муайян технология атрофига ифода этади.

Кўриниб турибдики, педагогик технология белгиланган бошланғич мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш сифатида ташкил этилган. Бу бир жиҳатдан тўғри бўлса, чуқурроқ таҳлил этилганда, бир ёқламалик аниқланади ёки бундай ёндашувда талаба шахси эътибордан четда қолмоқда. Бу ҳолатни ёки камчиликни академик В.П.Беспалко аниқлади ва “педагогик технология бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагогик муваффақиятини кафолатлай оладиган, ўқувчи-талаба шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир”- деб таърифлайди. Бу таъриф асосида қуйидаги илмий тамойилларни кўрсатиш мумкин:

- педагогик технология талabalарда маълум ижтимоий тажриба таркибларини шакллантириш учун лойиҳаланади;

- ложиҳаланган тайёр технологияни амалга ошириш фан ўқитувчисидан катта маҳорат талаб этмайди;

- якуний натижа, албатта, кафолатланади.

Педагогик технология моҳиятини аниқлашга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги ривожланган мамлакатларда бу масалани у ёки бу даражада ҳал этилганлигини қўрсатса, иккинчи томондан педагогик технологияни амалиётга жорий этишга бўлган уринишлар натижасини ифодалайди.

Педагогик технология тўғрисидаги тушунчаларни ривожланиш тарихи нуқтаи назаридан қаралса, педагогик технология назарияси ва амалиётини

бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда талқин этилганлигини кўрамиз. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчи-талабаларнинг билим фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илгор методикалар технология даражасига қўтарила олмай аста секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб, педагогика назариясидан узоклашиб борган. Масалан 60-йилларда катта шов-шувга сабаб бўлган “Дастурли таълим” ёки 70-80-йиллардаги “шаталовчилик ҳаракати” кабилар.

Педагогик технологияни педагогик фаннинг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган таълим йўналиши деб, қараш ҳам маъқул эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятини акс эттиради.

Педагогик технологияга “янги” сўзини қўшиб қўлланилиши – бу таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Демак, таълим - тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланади, унга мос ҳолда мазмун ҳам, педагогик жараён ҳам янгиланиши рўй бермоқда, янги технологиялар кириб келмоқда. Янги методикаларни талаб этадиган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли полиграфик, аудиовизуал воситалар мавжудки, улар янги педагогик технологияни реал воқеликка айлантиради.

Педагогик технология бошқа соҳалардаги технологик жараёнлар билан узуликсиз бойиб боради ва анъанавий ўкув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини очиб беради.

Янгиланаётган таълим тизимида якуний натижа, хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, бевосита таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган ўқитувчи меҳнатининг қандай ташкил этилишига бориб тақалаверади. Бу вазифани хал қилиш учун ёшларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг янги технологияси, метод, усул, воситалардан фойдаланиш лозим бўлади. Таълим зиммасига қўйилаётган улкан вазифалар эса таълим беришга муносабатни,

ёндошувни ўзгартиришни тақозо этмоқда. Педагогикага оид илмий адабиётларда ва мақолаларда айнан шу муносабат ва ёндошувни ўзида мужассам этиши лозим бўлган янги педагогик технология хусусида бир қанча мақсадлар эълон қилинди. Бироқ, ҳозирги кундаги ислоҳотлар жадаллиги мавжуд назарияни тезроқ амалиётга тадбиқ этишни талаб этади.

Янги технологияларни лойиҳалаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, уларни педагогик технология тамойиллари (тамойиллари) деб аташ мумкин.

Тамойил ёки принцип – юононча - "принцип" сўзидан олинган бўлиб, "асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи гоя, умумлашган талаб" каби маъноларни англатади.

Педагогик технология тамойиллари деганда, лойиҳаланган ўқув - тарбиявий жараённи амалга оширишга юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар, қоидалар ва талабларни тушунилади. Демак, у ёки бу педагогик ҳодиса тамойил бўлиши мумкин, қачонки уни ўқув жараёнида ҳисобга олиш (риоя қилиш) зарур бўлса, яъни унга таянилса.

Педагогик технология тамойиллари дидактик тамойиллардан тубдан фарқ қиласи ва ўзида муҳим сифат кўрсаткичларини мужассамлаштиради. Аслида ҳам таълим амалиётида педагогик технологиянинг моддий воситалари – китоблардан, техник жиҳозлардан ва ўқитиш методларидан кўпдан буён фойдаланиб келинади ёки олдиндан режалаштирилган таълим-тарбия жараёни ўқитувчи фаолияти орқали амалиётга жорий этилмоқда.

Шу билан биргалиқда педагогик технология - бу қотиб қолган, сиқувга олинган лойиҳа эмас, балки таълим ва тарбия самарадорлигини белгиловчи қатор омилларни баҳолаш имконини бера оладиган ижодкорлик, яратувчилик, фидойилик фаолияти натижасидир.

Н.Сайидаҳмедов томонидан педагогик технология тамойилларини аниқлашда қуидаги ҳолатлар эътиборга олинади:

- 1) мавжуд жамият талаблариға мос келадиган таълим-тарбия мақсади;
- 2) дидактик жараённинг объектив қонуниятлари;
- 3) таълим-тарбия жараёнида амалга ошириладиган шарт - шароитлар.

Шу нуқтаи назардан янги педагогик технологияларни амалда қўллашни қуидаги тамойиллари мавжуд (1-чизма).

1. Яхлитлик тамойили технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимнинг барча таркиблари ўзаро таъсир доирасида бўлишини ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олишни тақозо этади;

2. Педагогик технология ўқув-тарбиявий жараённи олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичда бу лойиҳани аудиторияда амалга оширишни кўзда тутади;

3. Якуний натижанинг кафолатланиши педагогик технологиянинг яна бир муҳим тамойилидир, ҳамда "Якуний натижа қайси сатҳда бўлиши керак?" саволга жавоб беради.

4. Педагогик технологиянинг жуда муҳим тамойили: ўқитишнинг тугалланганлик тамойили жавоб беради.

Юқорида биз педагогик технологиянинг асосий тамойилларини ёритишга ҳаракат қилдик. Улар, биринчи галда, ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда кўришга йўналтирилган бўлиб, уларни амалда ижод билан қўллаш зарур.

Хуроса қилиб айтганда, янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режа, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга ҳам янгича ёндошиш ва ташкил этиш зарурати туғилмоқда.



### *1-чизма. Янги педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари.*

Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганлариdek, "...биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак". Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи - ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди.

Таълим технологияси қўйидаги уч босқичдан иборат, кўплаб жараёнларни қамраб олади. (2-чизма)

## **Таълим технологияси босқичлари**



*2-схема. Таълим технологияси босқичлари.*

**I. Лойиҳалаштириши** - мўлжалланган мақсад ва уни амалга ошириш усули ва воситалари йифиндисини аниқлашдан иборат. Бу блок доирасида куйидаги кетма-кетликда жараёнлар амалга оширилади:

- таълим технологиясини амалга ошириш вақтини аниқлаш; ўқув чораги, ярим йиллиги, йиллик ва бутун ўқитиш даври учун;
- ўқув материалларини таҳлил этиш;
- мақсад ва дидактик вазифаларни ажратиб олиш;
- ўқув материалларини маълум тузилмага келтириш ва вақт бўйича тақсимлаш;
- билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш босқичлари, шунингдек, шахснинг сифат ва фазилатларини ривожлантиришни аниқлаб олиш;
- талабаларни қизиқтириш усули ва воситаларини аниқлаш.

Ўқув материалларини тақрорлаш, жорий кўрсатмалар бериш, талабалар диққат-эътиборини ўқув материалларининг муҳим томонларига жалб этиш мақсадида муаммоли вазиятларни юзага келтириш, қизиқарли билиш вазифалари ва шу кабиларни олдиндан белгилаб олиш. Улар олдиндан белгиланган ва мақсадга етакловчи восита сифатида қаралмоғи лозим.

Бундай ёндашув таҳсил олувчига ўз ўкув - билиш фаолиятининг тузилмаси ва мазмунини тасаввур эттириш имконини беради.

Режалаштирилган натижалар ҳақида тасаввур таркиб топтириш қуидаги шаклларда расмийлаштирилади: *Билим, кўникма, иши - ҳаракат усули, муҳим йўналғанлик, ижтимоий муҳим шахсий сифат ва фазилатлари ва бошқа ёки кутинган натижалар ёзилмаси.*

Кўрсатиладиган қуроллар ва педагогик технологиялар ўкув материалларига, талабаларнинг шахсий кобилияти ва ривожланганлик даражасига уйғун бўлиши керак. Шунингдек, таълим муассасасининг моддий баъзаси ҳисобга олиниши лозим.

Таълим технологиясини амалга ошириш учун эҳтимолдан ҳоли бўлмаган ва унга халақит берувчи омиллар ташқи муҳит ва уларни бартараф этиш йўллари ўйлаб кўрилади.

**II. Таълим лойиҳасини амалга оширишида** қуидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилади:

-ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан талабаларни олдиндан таништириш, муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил ишларни, уларни бажариш тартиби, вақтини эълон қилиш, мавзуни тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, этalon даражасида ўзлаштириш меъёrlарини айтиб бериш;

- талабаларнинг фаол, мустақил фаолиятини рағбатлантириш, болалар диққатини бўлим ёки мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўрганиш зарурлигини айтиб, билишга қизиқиш уйғотиш, ўқиш-ўрганишга ҳавас, муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш. Эмоциялар, тафаккур ҳодисалари, билимларни ўкув ҳолатларига тадбиқ этиш йўллари орқали мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотлар юзасидан жорий назоратни ташкил этиш, мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгартериш, қўшимча, тузатишларни белгилаш;

- бўлим ёки мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов бериш.

Таълим жараёнида кутилган ва кутилмаган, режалаштирилган, фавқулодда ва тасодифий ҳодисалар ҳам учраб туради. Бинобарин, ўрганилган натижаларга асосланиб, лойиҳага янги ўзгартириш, қўшимча, тузатишлар киритилади, болаларнинг этalon даражасига қанчалик яқинлашгандиклари ҳам айтиб ўтилади;

- бўлим ёки мавзу бўйича умумий хуносалар чиқариш, чиқарилган хуносаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш.

- оралиқ назорат натижаларига кўра, мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида талабалар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, талабаларнинг билим, малакаси, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатларидаги камчилакларни кўрсатиш, синфнинг ҳар бир талабасига якуний назоратгача бажарадиган қўшимча топшириқлар бериш, болаларни ўқув материалларини янада атрофлича этalon даражасида ўзлаштиришга рағбатлантириш;

-якуний назоратнинг асосий функцияси болаларнинг маълумот ва таълим мазмуни таркибларини этalon даражасида ўзлаштиришларини аниклаш, этalon даражасидан паст ўзлаштирган талабаларни огохлантириш, қўшимча топшириқлар бериш.

**III. Назорат қилиши ва баҳолашнинг** вазифаси қўйилган мақсадни амалга оширишнинг бориши ҳақида жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ўtkазиш, яъни мунтазам равищда тескари алоқани таъмин этиш ва ахборотга қайта ишлов беришдан иборат. Олинган ахборотни таҳлил қилиб, зарур ҳолларда келгусида ҳаракатларга ўзгартиришлар киритилади ва нихоят, қўйилган мақсад ва олинган натижаларнинг мослиги ҳақида хуноса чиқарилади.

Таълим мақсадларини, баҳолаш мезонларини ҳамда таълим шароитларини такорий ҳосил қилишдаги имкониятларидан келиб чиқиб, таълим - тарбия жараёнини тарбиявий омилларга ҳам технологик жараённи кенг тадбиқ этиш мумкин. Бу жиҳатдан “педагогик технология” таълим ва тарбия ўртасидаги фарқни қисқартиради.

Келажак бугунги ёшлар қўлида экан, аввало, улар иъстедодини аниқлаш, қобилят иқтидорини ривожлантириш, интеллектуал заковати, маънавий ақлий салоҳиятини юксалтириш долзарб масала бўлиб хисобланади.

## **1.2. Педагогик технологияларнинг таснифи, турлари ва методлари**

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да инсонни интеллектуал ва маънавий–ахлоқий тарбиялаш билан узвий боғланган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш назарда тутилди.

Узлуксиз таълим тизими олдидаги мазкур вазифаларни амалга ошириш таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига, самарадорлик эса ўз навбатида таълим олувчилар ва таълим берувчилар фаолиятини ташкил этилиши ва фаоллаштирилишига боғлиқdir.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, амалиётга янги ўкув режа, давлат таълим стандартлари ва дастурлар, дарслекларнинг янги авлодлари тақдим этилди. Шуларнинг давоми сифатида, бугун таълим соҳаси масъуллари олдида турган долзарб масалалардан бири педагогик технологиялар асосида, инновацион ёндашувлар орқали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Таълим муассасалари педагог ходимларининг янги, илғор педагогик технологиялар, жумладан ўқитишнинг замонавий интерфаол усулларини билиши, унинг учун тегишли маълумотларни ўрганиши, тахлил қилиши ва умумлаштириши, амалиётда қўллай олиши бугунги куннинг ижтимоий аҳамият касб этувчи талабидир.

Педагогик технологиялар қўйидагича таснифланади:

Қўлланилиш даражасига кўра, педагогик технологиялар умумпедагогик, хусусий методик (предметлар) ва локал (модулли)га бўлинади.

*Фалсафий асосига кўра, материалистик, идеалистик, диалектик ва метофизик, илмий ва диний, гуманистик ва антигуманистик ҳамда эркин тарбия ва мажбурий технологиялардан иборат.*


*Психик ривожланишининг етакчи омили бўйича педагогик технологиялар биоген, социоген, психоген ва идеалистик технологиялардан иборат. Маълумки шахс биоген, социоген, психоген, факторлар тўплами таъсирида шаклланади, бироқ аниқ технология улардан бирини олиши мумкин.*

*Тажрибани ўзлаштириши илмий концепцияси бўйича - ассоциатив рефлекторли ва ривожланувчи технологияларга бўлинади.*

*Шахсий хусусиятларга йўналтирилган педагогик технологиялар - ахборот технологияларини (билим, ўқув, малакаларни ) шакллантиришга қаратилган бўлади.*


*Ақлий фаолият операциялари - руҳий-бадиий ва руҳий-аҳлоқий, ўз-ўзини ривожлантириш технологияси ҳамда эвристик (ижодий қобилияtlарни ривожлантириш) ва амалий технологияларни ўз ичига олади.*

Педагогик технологиялар **мазмун ва тузулишига кўра** қўйидагиларга - ўргатувчи ва тарбияловчи, дунёвий ва диний, умумтаълим ва касбий таълимга йўналтириш, ижтимоий, турли тармоқли, хусусий предметли, политехнологиялар, монотехнологиялар ва кириб борувчи технологиялар ажратилади. Бугунги кунда таълим технологияларини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин. Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмида мустаҳкам ўрин эгаллади.



### 3-чизма. Таълим технологиялари турлари

Хозирги кунда таълим жараёнида кенг қўлланилаётган янги педагогияларга қуидагиларни киритиш мумкин (4-чизма.)



### 4-чизма. Таълим жараёнида кенг қўлланилаётган технологиялар турлари

**VI. Модулли ёки локал таълим технологияси** - шахсга йўналтирилган таълим технологиясидир. Модулли таълим дунё тажрибасида қўлланилиб

келаётган (Буюк Британия, Голландия, АҚШ, Россия) таълимнинг самарали шаклидир.

Модул лотинча «модулус» сўзидан олинган бўлиб меъёр, ўлчов деган маънони англатади. Таълимда модул ўрганилаётган предметни маълум қисмларга бўлиб, уни ўрганишнинг аниқ тизимини яратади.

1. Бўлимни ўрганишдан олдин ўқувчилар билан материални ўрганиш истиқбол режасини мухокама қилинади, мавулар кетма-кетлиги, ҳар бир мавзу бўйича дарслар сони, дарс шаклларини аниқланади. Ҳар бир ўқувчи индивидуал иш учун модул қўлланмаси ёки модулга кирган дидактик материаллар пакетини олади, унга қуидагилар киради:

- блок мазмуни конспекти;
- ўқув таркибларини (таълим стандартининг мазмун бирликлари) ўқиш дастури;
- жорий ва ўз-ўзини назорат қилиш учун даража мезонларини ўз ичига олган “синов варағи” билан “назорат иши”;
- ўз-ўзини назорат қилиш ва мустахкамлаш карточкаси;
- якуний назорат иши намуна ёки синов учун савол ва топшириқлар;
- масала ечими ва жавоблари бўлган ўз-ўзини назорат қилиш учун “ечимлар”;
- эркин танлов учун, ижодий тавсифга эга бўлган топшириқлар.

Уйга вазифа мажбурий эмас. Ўқувчига модул билан ишлаш методикасини тушунтириб, эслатиб туриш лозим.

2. Блок мазмунини ўрганишни асосий конспектдан фойдаланиб маъruzадан бошлаш лозим. Бошидан берилган бўлим материалини ўрганишга ундовчи муаммоли вазият ҳосил қилинади. Сўнг материални умумий таркиби, асосий тушунча, мантиқий боғланишлар, қийин жойлар тушунтирилади

3. Модул дастури асосида ўқувчилар материални мустақил равища дарсликлардан фойдаланилган ҳолда батафсил ўрганадилар.

4. Материални мустахкамлаш «назорат иши» карточкалардан фойдаланилган ҳолда бажарилади.

5. Баҳо фақат модулни тўлиқ ўрганилганидан сўнг якуний қилиб чиқарилади. “Текширув ишини” ўқувчи тайёргарлигига кўра топшириқ даражасини ўзи танлайди: мажбурий топшириқларни танланса (д-белгили) фақат 3 балл, ундан қийинроғига (Ё) 4 балл, мустақил фикрлашни талақ қиласидиганларини танласа 5 балл олиши мумкин.

6. Якуний назорат ишидан олдин умумлаштирувчи дарс ўтилади. Синф гурухларга бўлинниб, ҳар бир гурух блокнинг бир қисми бўйича олган билимларни тизимга солиб унинг вакили бошқаларга тақдимот қиласиди.

7. Якуний баҳо якуний назорат иши бўйича синов мезонлари асосида чиқарилади. Баҳога рози бўлмаган ўқувчи қайта топширишга (1 марта) хақи бор.

**V. Муаммоли ўқитиши технологияси** ўрганилаётган мавзудаги асосий муаммони ажратиб олиш ва муаммони талабалар томонидан мустақил ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилувчи таълим технологияларидан бири ҳисобланади. Бунда муаммонинг тури, муаммонинг сабаблари ва кўринишлари, муаммони ҳал этиш учун ҳаракатлар белгиланади.

Муаммоли таълим бу – талабага бериладиган билимнинг қайси қисмини, қандай йўл билан бериш муаммосини самарали ҳал қилишга қаратилган ўқитувчи фаолиятидир. Муаммоли таълим дарсда бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати бўлиб, у талаба шахсидаги муҳим белги – ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Н.Г.Дайри айтганидек, дарсда ўрганиладиган мавзунинг мураккаб қисмини ўзлаштиришда ўқитувчининг фаолияти қандай бўлса, талаба фаолиятини ҳам шу даражага етказиш муаммоли таълимнинг асосий мақсадидир.

Муаммоли таълим талабаларни эркин фикрлашга, ўзининг фикрини эркин баён қила олишга ва фикрини янада ривожлантиришга ўргатади. Бунда талаба диққат билан тинглаши, мустақил ва ёлғиз фикрлаши, жамоа бўлиб фикрлаши, таҳлил қилиши, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиши ва тўпланган фикрларни баён қила олиши керак. Агар ўқитувчи янги мавзуни таъсирли баён қилиб, кўргазмалардан унумли фойдаланса, баён ниҳоясида айрим

талабалар билан иш олиб борса, ўқув жараёни самарали бўлди ёки фаол бўлди, деб ҳисоблаш мумкин. Аммо бу таълим усули анъанавий таълим беришдир.

Муаммоли ўқитишни чукур ўрганиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган бўлиб, унинг асосида “Тафаккур – муаммоли вазиятдан бошланади”- деган ғоя ётади ва муаммоли вазиятда билиш фаолиятининг кетма-кетлиги қўйидагича кўринишга эга бўлади:

- муаммоли вазият;
- муаммони ечиш йўлларини излаш;
- муаммонинг ечими.


Анъанавий таълим тизимида ўқитувчи ва дарслик билимнинг асосий манбаи бўлса, муаммоли ўқитишнинг фалсафаси ва методологиясида ўқитувчи талабаларнинг изланиш–тадқиқотчилик фаолиятининг ташкилотчиси ва ёрдамчиси сифатида намоён бўлади.

Муаммоли ўқитиш концепциясида муаммоли вазиятнинг биринчи шарти ўқитувчи ўзи ечиши лозим бўлган зидликни кўришидан иборат эканлигини таъкидланади. Муаммоли ўқитиш технологияси асосида америкалик психолог, файласуф ва педагог Ж. Дюи ғоялари ётади. У 1894 йилда Чикаго шаҳрида ўқитиш асосини ўқув режаси эмас, балки ўйинлар ва меҳнат фаолияти ташкил этган тажриба мактабини ташкил қилган. Ўқиши, ҳисоблаш, ёзиш бўйича машғулотлар болаларнинг физиологик балоғатига қараб, ўз – ўзидан пайдо бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ўтказилган. Ж.Дюи ўқиши учун тўрт эҳтиёжни ажратган: ижтимоий, конструкциялаш, бадиий ифода, тадқиқий. Билиш манбалари сифатида болаларга қўйидагилар тақдим этилган: сўз, санъат асарлари, техник қурилмалар.

Ж.Дюи ғоялари бўйича, бола билишда инсоният йўлини қайтаради, билимларни ўзлаштириш бошқарилмайдиган жараён бўлиб, бола ўзида ҳосил бўлган эҳтиёжни қондириши натижаси сифатида материални ўзлаштиради. Ж.Дюининг фикрича, ўқитиш самарадорлигининг шартлари ҳамда ўқув материалини муаммолаштириш талаба фаоллиги билан боғлиқ бўлиши керак.

Муаммоли ўқитиши – талабанинг муаммоли тақдим этилган таълим мазмуни билан фаол ўзаро боғланишни ташкил этади. Бу жараёнда талаба илмий билимнинг объектив зидликлари ва уларнинг ечимларига яқинлашади, фикрлаш, билимларни ижодий ўзлаштиришга ўрганади. Муаммоли таълимнинг асосий омиллари қўйидагилардан иборат.

Муаммоли ўқитишнинг якуний мақсади – талабаларни муаммоларни кўриш ва ечишга ўргатишдан иборат бўлиб, бу факат фикрлаш фаолияти жараёнида амалга оширилади.



#### 5-чизма. Муаммоли таълимнинг асосий омиллари

**VI. Ҳамкорликда ўрганиш** - талабаларнинг билимини ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга солишини ташкил этишга асосланган ўқитиши ва билим олишдир. У талабаларнинг мустақил гурухларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методлардан иборат. Буларга китоб билан ишлаш, ўкув сухбати, давра сухбати, ақлий хужум, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара каби методларни киритиши мумкин.

**VII. Тадқиқот** - талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундейдиган усуллар ийғиндисидан иборатdir. Тадқиқотнинг мақсади дарс жараёнида талабаларда савол қўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Унда ўқитиш талабаларни амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойиҳалаш методи, мустақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар киради.

Таълим технология таркибларини танлаш ва амалга оширишда талабаларнинг ўқув билиш фаолиятларини эътиборга олиш лозим. Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида талабаларга янги билимларни бериш амалга оширилади, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гурӯхларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга ошириш орқали берилган билим мустаҳкамланиши лозим.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси кескин пасая бошлайди.

Бу ҳамма юқоридаги таклифлар талаба ёки талабанинг диққатини узокроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қиласди.

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эсда олиб қолинган билимларнинг микдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат «маъруза»лар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25%ни эслаш мумкин холос. Агар маърузалар ўқиш (tinglash), намойиш ва кўргазмали қилиш (қўриш, ушлаб қўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг 75%ини эсга тушириш мумкин.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргалиқда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узок

хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида анъанавий методлар қўлланилганда, талабаларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30%ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса, талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада ортиб боради. Ҳар қандай таълимнинг мақсади - билимни ҳамда уни амалда қўллай билиш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш, шунга зарур шахс сифатлари ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишидир. Ўқув фаолияти ҳаракатида мақсаднинг барча компонентлари амалга ошар экан, турли методларни биргаликда қўллаш зарур. Шунинг учун, метод танлашда энг асосий омил бўлиб, ўқув машғулотининг дидактик вазифаси хизмат қиласи.

Метод танлаш нафақат ўқув мақсадидан, балки ўқув материал мазмунига ва бу фаннинг мураккаблигига боғлик. Бундан ташқари методларни танлашда талабаларнинг сони, уларнинг ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитлар ва ўқитувчининг маҳоратига боғлик.

Педагогик технологияларнинг учта даражаси мавжуд:

1. Умумий методик даражада. Умумий педагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) даражада педагогик технологиянинг умумий қонуниятлари, концептуал асослари, ўқитувчи ва талабанинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ишлаб чиқиласи.

2. Хусусий методик даражада муайян бир ўқув фани, курсни ўқитиши жараёнининг мақсади ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида таълим мазмунини талабалар онгига сингдиришда фойдаланиладиган ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларининг мажмуаси тушунилади.

3. Локал (модул) даражада таълим-тарбия жараёнининг маълум бир қисмида мазкур қисмнинг хусусий дидактик ва тарбиявий мақсадини ҳал этишга қаратилган технология тушунилади.

Педагогик технологияларнинг юқорида қайд этилган учта даражаси бир-бирини тўлдиради ва тақозо этади. Ҳамкорлик–ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш, уларни маънавий, ахлоқий, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, бу жараённи бир-бирига уйғунлаштириш, фаолиятнинг натижаси ва боришини ҳамжихатликда таҳлил қилиш имконини беради. Демократлаштирилган жараённи инсонпарварлаштириш ўқув-тарбиявий жараённининг мақсадини амалга ошириш, таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш ва маънавий эҳтиёжларини қондириси, ўқув меҳнатининг тавсифи ва мазмунини ўзгартиради ва шахснинг уйғунликда ривожланишига қулай психологик муҳит яратади. Ўқитиш жараёнини демократлаштиришнинг туб моҳияти талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда уларга танлаш имконияти берилишидир.

## **П-БОБ. “ИНСОНИЯТНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

### **2.1. “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини ўқитишда таълим усулларини танлаш ва таълим воситаларидан фойдаланиш**

Узлуксиз таълим тизимида ташкил этиладиган ўқитиш жараёнининг самарадорлигини ошириш юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда педагогик технологияларнинг юқорида келтирилган технологиялари ва ахборот технологияларидан уйғун фойдаланиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Талабаларнинг ўзлаштирган билимларини амалиётга қўллашда кўникма ва малакалар муҳим роль ўйнайди. Кўникма ва малакаларни тил билан тушунтириб бўлмайди, уларни амалий фаолиятда кўрсатиш керак бўлади. Шу сабабли инсон ҳаётининг асосини фаолият усуллари (кўникма ва малакалар) ташкил этиб, у талабаларнинг муҳим сифати саналади. Уларнинг дунё ҳақидаги билимларида, бу борада тушунчаларни таркиб топтиришда хилма-хил таълим услублари, воситаларидан унумли фойдаланишга тўғри келади.

География таълимида фойдаланилиши мумкин бўлган локал даражадаги технологиялар жумласига “Кейс”, “Инсерт”, “Кластер”, “Ақлий ҳужум”, Венн диаграммаси, “Кичик гурӯхларда ишлаш”, “Атамалар занжири”, “Атамалар варағи”, тезкор ўйинлар, ўйин машқларининг турли шакллари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Дастур мазмунидаги фақат фактik материалларни ўрганиш назарда тутилган мавзуларда инсертдан фойдаланиш тавсия этилади. Инсерт - локал даражадаги педагогик технология бўлиб, талабалар томонидан ўқув материалидаги асосий ғоя ва фактik материалларни англашига замин яратиш мақсадида қўлланилади.


Биламан В	Мен учун янги маълумот +	Мен билган маълумотни инкор қилди	Мени ўйлантириб кўйди (тушунмадим) ?

Бугунги кун таълим жараёнида кенг қўлланилаётган методлардан бири БББ методи ҳисобланади. Бу метод маъруза дарслар учун айниқса қулай. Ўқитувчи мавзу бўйича асосий тушунчалар ва иборалар рўйхатини талабаларга тақдим этади. Талабалар ўзлари биладиган ва билмайдиган тушунчалар ва иборалар билан намунадаги жадвални тўлдирадилар. Биз тадқиқ қилаётган “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини ўқитишида БББ жадвали қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

№	Мавзу бўйича тушунча ва иборалар	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
	Экологик муаммолар			
	Чўллашиш			
	Тинчлик ва қуролланиш муаммоси			
	Озон “туйнуғи”			

География дарсларида талабаларнинг ўзлаштирган билимларини тизимлаштириш, мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида кластердан фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Кластер- “слустер” инглиз тилида шажара деган маънони англатиб, ахборот харитасини тузиш йўли-барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғишдан иборат. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради. Ушбу локал технология талабалар томонидан ўзлаштирилган ва ўзлаштирадиган ғоя, қонуният ва тушунчалар ўртасидаги боғланишини англаш, бир-бирига узвийлигини тушунишга имкон яратиб, таҳлилий-танқидий фикр юритиш кўникумларини ривожлантиришга замин тайёрлайди. БМИ мавзусидан келиб чиқиб, қуйидаги кўринишдаги кластер тузиш мумкин. (6-чизма)

Мазкур технологиядан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга бир неча усулда ёндашиш мумкин: талабалар кичик грухга ажратилиб, грух аъзоларидан кичик консультант тайёрланади. Кичик консультант унга берилган топшириқдаги атамалар асосида грухнинг аъзоларини карточка воситасида баҳолайди. Бунда талабалар айтилган атамаларнинг изоҳини айтишни ёки изоҳга қараб атамани аниқлаши мумкин. Ҳар бир тӯғри жавоб учун карточка берилгандиги сабабли, карточкалар сони уларнинг тўплаган балини белгилайди.



*6-чиизма. Кластер*

“Атамалар занжири”дан ўтган мавзуни якунлаш қисмида фойдаланилганда, талабаларнинг кичик грух аъзоларидан оғзаки ҳолда мазмуни ва моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ янги атама қўшиши талаб этилади. Грухнинг биринчи иштирокчиси битта атама билан бошлаган ўйин якунидагурух аъзолари сонига teng атамалар занжири вужудга келади. Иккинчи босқичда мазкур атамаларга таъриф бериш ва уларни изоҳлаш талаб этилади.

Касб-ҳунар колледжларида амалий география дарсларини ташкил этишда кичик грухларда ишлаш методидан фойдаланиш яхши самара

беради. Бу метод талабаларнинг дарсдаги фаоллигини таъминлайди, ҳар бирин учун мунозарада қатнашиш хуқуқини беради, бир-биридан аудиторияда ўрганишга имкони туғилади, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади. Кичик гурухларда ишлаш методини қўлланилишида қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Фаолиятни танлаш. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада талабалар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. Зарурый асос яратиш. Талабалар кичик гурух ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

3. Гуруҳни шакллантириш. Одатда ҳар бир гурухда 3-5 талаба бўлади. Агар гурухда ишлаш у ёки бу ёзма хужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гурух тузилгани маъқул. Энг яхшиси, “гетроген” гурух ташкил этишидир (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гурухда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади. Мисол учун, бир талаба мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо. Аудиторияни гурухларга ажратиш, хоҳиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. Аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш. Талабаларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва ҳажм жиҳатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. Ўқитувчи гурухларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гурухлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Талабалар гурухда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб қўрилади.

5. Қўллаб қувватлаш ва йўналтириш. Ўқитувчи зарурат туғилса гурухлар ёнига навбатма-навбат келиб, тўғри йўналишда ишлаётганлигини қайд этади ёки уларга ёрдам беради, гурухларга тазийк ўтказилмайди.

6. Мухокама қилиш ва баҳолаш. Гурухларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун ҳар бир гурух ўз

сардорини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилади. Муҳими, гуруҳнинг ечимининг асосланишини аниқлаштириб олишдир. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гуруҳлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда, ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча талабаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи рақамли методлар билан биргалиқда ҳам олиб борилиши мумкин. Бунда гуруҳдаги талабаларнинг умумий сонидан келиб чиқкан ҳолда  $4 \times 4 \times 4$ ,  $5 \times 5 \times 5$  ёки  $6 \times 6 \times 6$  методларининг биридан фойдаланилади. Масалан,  $5 \times 5 \times 5$  методида ҳар бири 5 талабадан иборат 5 та кичик гуруҳчалар ташкил этилиб, уларнинг 5 нафар сардорлари тўпланади ва қўйилган муаммони ҳамкорликда муҳокама этишади. Сўнгра ўзларининг гуруҳларига қайтиб, шерикларига масаланинг ечимини ўргатишади.

### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг афзаллик томонлари.

- ўқитии мазмунини яхши ўзлаштиришига олиб келади;
- муроқотга киришиши кўникмасининг тақомиллашишига олиб кела - ди;
- вақтни тежаси имконияти мавжуд;
- барча талабалар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаши имконияти мавжуд бўлади
- .

### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг камчилик томонлари

- кучсиз талабалар бўлганилиги сабабли кучли талабаларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча талабаларни назорат қилиши имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

7-чизма. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг афзаллик ва камчилик томонлари.

Амалий география дарсларини ташкил этишда ўйинли технологиялардан ҳам фойдаланиш мумкин. Таълим жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиб, талабанинг икки ижод тури - ўқиши ва ўйинни бирлаштириш мумкин. Дарсларда ижодий ўйинлардан фойдаланиш дарс жараёнини қизиқарли қиласи, таълим жараёнида индивидуалликнинг ҳаётий бўлишида ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан қараганда дидактик ўйинларнинг аҳамияти чексиздир. Ўкув жараёнида ишбилармонлик ўйинларининг турли модификацияларидан фойдаланилади:

1. Иммитацион ўйинлар - машғулотларда бирорта ташкилот, корхона ёки бўлимларнинг фаолиятлари иммитация қилинади.
2. Оперцион ўйинлар - у аниқ маҳсус амалларни бажаришни машқ қилишга ёрдам беради. Бу турдаги ўйинлар ҳақиқий ҳолатни иммитация қилиган шароитларда олиб борилади.
3. Ролларни бажариш ўйини - бундай ўйинларда ўзини тутиш тактикаси, бирорта шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажариш ўқувлари шаклланади.
4. Психограмма ва социограмма ўйинлари - бу худди театрга ўхшайди, фақатгина ижтимоий психологик, бунда вазиятни ҳис қилиш, бошқа инсонларни баҳолаш ўқувлари шаклланади.

Меҳнат ва ўқиши билан бир қаторда ўйин ҳам инсон фаолиятининг энг асосий турларидан биридир. Ўйиннинг структураси ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

- мақсадларни қўйиш.
- режалаштириш.
- амалга ошириш (мақсадни).
- натижани таҳлил қилиш.

Ўйинли ўқитиши методларининг юқори самарадорлиги анъанавий метод билан таққослаганда жиддий афзалликларга эга. Уларнинг баъзиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қабул қилинган ечим натижаларининг аниқлиги: ўйинда батафсилликка аҳамият бермаслик, информацион салмоқдан ишга таалуқли бўлмаган реал жараёнлар хусусиятларидан келиб чиқадиган “шовқинларни” ўчириш мумкин;

- вакътнинг ўзгарувчанлик қўлами: ўйин “тез” ёки “секин” тарзда воқеа боришини бошқаришга имкон беради. Шартли амалиёт ҳолатида тузилдиган ўйинда, бир неча соат ёки бир неча йил “яшаш” мумкин;

- кўрсатманинг ўзгариши: ўқитиш давомида малакаларнинг тўпланиши билан тажрибани такрорлаш: бир вазиятнинг ўзини ҳар гал ечимга янгича ёндашган тарзда бир неча марта қайта ўйнаш мумкин;

- қамраб олиши қўламини ўзгартириши имкониятининг мавжудлиги: турли шароитларда жиддий ечимларни излаб топиш муддатини етарлича қисқартириш мумкин.

Амалий география дарсларини ташкил этишда Веер технологиясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Веер технологияси мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади.

“Чархпалак” технологияси талabalарни ўтилган мавзуларни ёдга олишга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равища тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талabalарнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган. Технологиянинг мақсади талabalарни дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равища эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, якка ва гурухларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўпгина фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатиш.

Технология ўкув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўкув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни талабалар томонидан ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида якка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

“Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини ўтишда “Чархпалак” технологиясини қўллаш орқали мавзунинг биринчи 2 соатлик дарсида олинган билимлар қайта тикланади, талабалар мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равищда тўғри жавоб беришга ҳаракат қиласидилар.

Бу технология асосида дарсни ташкил этиш учун талабалар кичик гурухларга ажратилади ва машғулотни ўтказишга қўйилган талаблар ва қоидалар билан таништирилади. Мавзу бўйича тайёрланган тарқатма материалларни гурух аъзоларига тарқатади. Гурух аъзолари томонидан якка ҳолда мустақил равищда тарқатма материаллардаги вазифалар бажарилади. Ҳар бир гурух аъзоси ўзи ишлаган тарқатма материалининг ўнг бурчагига гурух рақамини ёзди, чап бурчагига эса ўзининг бирон-бир белгисини чизиб қўяди. Вазифа бажарилган тарқатма материаллар бошқа гурухларга “чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади. Янги гурух аъзолари томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган материаллар яна юқорида еслатилган йўналиш бўйича гурухлараро алмаштирилади, ушбу жараён гурухлар сонига қараб давом эттирилади. Материалларни охирги алмashiшдан сўнг ҳар бир гурух ва ҳар бир гурух аъзоси ўзлари илк бор тўлдирган материалларни (гурух рақами ва ўзлари қўйган белгилари асосида)танлаб оладилар. Ҳар бир гурух аъзосининг ўзлари белгилаган жавобларига бошқа гурух аъзоларининг тузатишларини таққослайдилар ва таҳлил қиласидилар. Ўқитувчи тарқатма материалда берилган вазифаларини ўқийди ва жамоа билан биргаликда тўғри жавобларни белгилайди. Ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар фарқларини аниқлайди, керакли баллни тўплайдилар ва ўз-ўзини баҳолайдилар.

Тарқатма материалда талабалар белгилаган түғри жавоблар билан ўқитувчи ҳамкорлигига аниқланган түғри жавобларнинг фарқи 55 фоиздан юқори бўлса, талаба ушбу ўқув материалини ўзлаштирган, ундан кам бўлса ўзлаштира олмаганигини билдиради. Масалан, вазифалар сони 30та бўлиб, жавобларнинг 17-20таси түғри белгиланган бўлса, талаба ушбу вазифани бажарган ва ўқув материалини ўзлаштира олган, агар ундан кам бўлса ўзлаштира олмаган ҳисобланади. Шу билан бирга, жавобларнинг 21-24 таси түғри белгиланган бўлса талаба материалларни ўзлаштирган даражаси “яхши” баҳога, 25-30 таси түғри бўлса “аъло” баҳога ўзлаштирган деб ҳисобланади. Талаба (ёки ўқувчи) лар баҳолари ёки балларини белгилаб олишгач, ўқитувчи вазифа бажарилган қоғозларни йиғиб олади ва баҳо(баллар)ни гурух журналига кўчириб қўяди.

Ҳозирги давр таълим тизимининг зарур таркиби бу муаммоли таълимдир. Педагогика фанлари доктори, профессор Л.М.Панчешникова таъкидлаганидек, “Муаммоли таълим аввало талабалар учун янги ҳисобланган муаммоларни далиллар билан ҳал этиш жараёнига талабалар ва ўқитувчи ҳамркорликда киришиши билан тавсифланади”.

Муаммоли таълимни шарҳлашда олимлар, мутахассислар ва методистлар ўртасида ягона фикр шаклланганича йўқ. Шуниси аниқки, муаммоли таълим ўқитувчининг “ҳикоя қилиш, тушунтириш, билимини аниқлаш” фаолияти, талабанинг “эътибор бериш – ёдда сақлаш - такрорлаш” фаолиятини тан олмайди. Бу чизма муаммоли таълим талабини қаноатлантирмайди. Мазкур чизма талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантира олмайди.

Муаммоли таълимнинг моҳияти ва уни амалга ошириш йўллари ҳақида асосан икки йўналиш мавжуд. Биринчи йўналиш тарафдорлари агар ўқув материалининг муайян қисмини талабалар ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариб, мустақил ўргансалар, географик маълумотларни билиш (эгаллаш) учун излансалар, буни муаммоли таълим деб ҳисоблайдилар. Улар қиёслаш, табиат компонентлари орасидаги ўзаро

алоқадорлик сабабларини аниқлаш мақсадида эвристик (савол-жавоб) сұхбат учун анъанавий саволларни муаммоли деб ҳисоблайдилар. Масалан, “Материкнинг қитъадан фарқи нима?” ёки “Нима учун Антарктида жуда совук материк?” ёки “Мексика иқтисодиётининг бир томонлама ривожланишига сабаб нима?” кабилар. Бундай саволлар илгари ҳам “муаммоли” дейилмасада, талабаларга топшириқ сифатида берилған. Ҳозир бу топшириқларни мустақил ва ижодий бажарилишига эътибор берила бошланди.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари муаммоли таълимни география фани методлари ва фан тарихини мактаб география курсларида акс этиши деб тушунадилар. Фан тарихи деганда йирик илмий кашфиётлар хронологияси, олимлар, методист – географларнинг номлари муҳими – география фанида вужудга келган муаммолар ва илгари сурилған гипотезалар, уларни тадқиқ этиш ва назарияга “айлантириш” йўлларини билиш назарда тутилади.

Талабаларни билимларни мустақил ўрганишга, эгаллашга, изланишга тайёрлаш учун катта ҳажмда кўп билим беришни ўзи кифоя қилмайди, кўп билим, материал бериш билан уларнинг мустақил изланишларини ривожлантириб бўлмайди.

Талабалар мустақиллигини ривожлантириш учун улар фан мазмунини эгаллаш билан бирга, уни тадқиқ этиш ва ривожлантириш усулларини ҳам тушуниб етишлари – билиб олишлари лозим. Агар географик объект ва ҳодисалар ҳақидаги илмий билимлар ва уларнинг вужудга келиш усулларини кўрсатиш “янги билим қандай вужудга келганлиги” ҳақида мунтазам саволлар бериб бориш билан қўшиб ўрганилса, бундай таълимни муаммоли таълим деб ҳисоблаш мумкин.

*Ақлий хужум методи* - ҳамкорликда ўрганиш технологиясининг муҳим методларидан биридир. Ақлий хужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билдирилған эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб,

улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг *ёзма ва оғзаки шакллари* мавжуд.

Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга талабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар.

Ёзма шаклида эса берилган саволга талабалар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий хужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабаларда ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Вазифаси. “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гурух янада жипслашади.

## «Ақлий хужум» методининг

### босқичлари

Үқувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бүйича ўз жавобларини (фикр, муроҳаза) билдиришларини сўралади;

Үқувчилар савол бүйича ўз фикр-муроҳазаларини билдиради;

Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

Фикр-ғоялар маълум белгилар бүйича гурӯхланади;

Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

#### 8-чизма. «Ақлий хужум» методининг босқичлари

Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

Қўлланиш усули. “Ақлий хужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бүйича хар қандай муроҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва хужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади. «Ақлий хужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

### **«Ақлий хужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.


Психологик текширишлар шуни қўрсатадики, идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эсда олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат «маъруза»лар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25%ни эслаш мумкин, холос. Агар маъруза ўқиш (tinglash), намойиш ва кўргазмали қилиш (қўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳсласилса, унда 3 кундан сўнг 75%ини эсга тушириш мумкин.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Кузатишларга қўра, талабаларнинг ўзлаштириш даражасига ўқитиш методларининг таъсир даражаси:



1. Маъруза эшитганда - эшитган маълумотларининг - 5%.
2. Ўқиб ўрганганда - ўқиганларининг 10%.
3. Видеоусул, намойиш этилганда – кўрган маълумотларининг 20%.
4. Тажрибани намойиш қилинганда - кўрган ва эшитганларининг 30%.
5. Баҳс-мунозара, муҳокама қилинганда 40%.
6. Машқлар - ўқиган, ёзган, гапирганда 50%.
7. Дидақтиқ ўйинлар, кичик гурӯхларда ишлаш, лойиҳалаш, мустақил ўқиганда, таҳлил ва муҳокама қилганда, ҳимоя ва намойиш қилганда 75%.

8. Йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, бошқаларни ўқитиш - мустақил ўрганган маълумотлар, таҳлил ва муҳокама қилинган, бошқаларни ўқитган нарсаларининг 90% и эсида сақланиб қолади.



#### **9-чизма. «Ақлий хужум» методининг афзалик ва камчилик томонлари**

***1-диаграмма. Анъянавий (1) ва ноанъянавий(2) таълимда талабаларнинг ахборотни ўзлаштириши даражаси***



- Анъянавий таълимда талабаларнинг ўзлаштириши даражаси -30%
- Ноанъянавий таълимда талабаларнинг ўзлаштириши даражаси -90%

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида анъянавий методлар қўлланилганда, талабаларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичини энг юқори даражаси 30%ни ташкил етар экан. Ноанъянавий методлар қўлланилганда эса, талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси 90%гача ортиб боради.

## **2.2. “Иносониятнинг глобал муаммолари” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари.**

Миллий мустақиллик барча фанлардаги каби география фанлари тизимида ҳам туб ўзгаришларни яъни таркибий, мазмун, моҳият жиҳатдан янгиланишларни бошлаб берди. Бунинг дебочаси сифатида академик лицей ва қасб-хунар коллежларининг 1-босқичларига 40 соат ҳажмида ўқитилаётган амалий география курсини эътироф этишимиз мумкин.

География энг қадимги классик фанлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда география, айниқса амалий география дунёвий муаммоларни ҳал этишда муносиб иштирок этиб келмоқда. Бу дунё океанини тадқиқ қилиш, уни ресурсларидан фойдаланиш, табиий ресурсларни қидириб топиш ва улардан унумли фойдаланиш атроф муҳит экологик ҳолатини барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини худудий жойлаштириш каби глобал ва регионал муаммолар бўлиб, географ олимларимиз мазкур йўналишларда ҳам унумли фаолият олиб бормоқдалар.

Биз кундалик фаолиятимизни ҳам география билан жуда яқинлигини доимо ҳис қилиб турамиз, чунки географик билимлар фақатгина тасвирлаш учун эмас, аниқ ҳисоб китоблар олиб бориш, ўлчаш, режа тузиш, ориентраш, азимутни белгилаш, кординаталарни аниқлаш, дарёнинг оқим тезлигини, сув сарфини аниқлаш, ерга баҳо бериш, релефга баҳо бериш, иқлимга баҳо бериш каби амалий фаолиятларда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир фан амалиёт билан боғланмас экан, ундей фанни тараққий этиши ҳам мумкин эмас. Қадимги ва классик фан сифатида амалий география сайёҳларнинг изланишларида, кашф этган материкларда, оролларда, тадқиқ этган денгиз ва океанларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир топилган янги жой, кашф этилган географик объект амалий фаолиятлар натижасидир. Ўрта асрларда буюк ватандошимиз Аҳмад-ал Фарғоний Нил дарёсини сув сатҳини ўлчайдиган қурилма яратди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур Фарғона

водийсидан то Ҳиндистонгача бўлган масофадаги бутун ҳудудларнинг табиатини нихоятда жонли тасвирлаб берди. Абу Райхон Беруний эса тог жинслари ва минералларни, табиатдаги жараёнларни, уларнинг сабабларини очиб берди. Албатта, бундай буюк олимларимизнинг тадқиқотларини амалий география деб атасимиш мумкин.

Амалий географик тадқиқотларнинг асосий мақсади табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни оптималлаштиришдан иборатdir. Фанни ўрганиш жараёнида талабалар энг оддий, яъни ўзлари бажара оладиган тадқиқотлардан бошлаб, аста-секин каттароқ кўламдаги муаммолар устида ҳам бош қотира олишга амалий мослашувлари зарур. Масалан, ўз ҳовлисини режасини, ўқув юрти жойлашган ҳудудни маълум масштабдаги режасини чиза олишлари, уларни майдонларини маълум бирликлар (масалан сотих, гектар, кв.метр) да ўлчай олишлари, ўзлари яшаб турган жойдаги сой, канал ёки анхор сувининг оқим тезлигини аниқлай олишлари, водопровод ёки артезиан қудуқдан чиқаётган сувнинг суткалик ёки йиллик миқдорини ўлчай олишлари, ўз оиласаридағи 1 кунлик чучук сувга бўлган эҳтиёж ва уни қанча сарфланишини, ўз томорқасини суғоришга қанча сув сарфланишини ҳисоб китоб қила олишлари каби амалий фаолиятлар айнан амалий географияда ўрганилиши зарур бўлган амалий фаолиятлардир. Шунинг учун амалий географияда назарий масалаларни эмас, балки уларни кейинги фаолиятларида зарур бўладиган, аскотадиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Амалий география табиат ва жамиятининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги қонуниятларидан келиб чиқиб, геотизимлардаги инсон хўжалик фаолияти билан боғлиқ жараёнлар геоэкологик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий оқибатларини очиб беришга хизмат қиласи. Қуйида биз битирув малакавий иш мақсадидан келиб чиқкан ҳолда, “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини локал, хусусий методик даражадаги технологиялар ва ахборот технологияларини уйғунлаштириб, дарсни ташкил этишни ҳамда дарс ишланмаси лойиҳаларини кўриб чиқамиз.

“Иносониятнинг глобал муаммолари” мавзусидаги маъруза дарси учун касб-хунар коллажлари ва академик лицейлар ўкув дастурида 4 соат вақт ажратилган бўлиб, тинчлик ва қуролланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммоси, экологик муаммо, демографик сиёsat ва демографик муаммо, энергетика ва хом ашё муаммоси, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳал қилиш йўллари, озиқ-овқат муаммоси, уни ечишнинг экстенсив ва интенсив йўллари, дунё океанидан фойдаланиш муаммоси, ривожланаётган мамлакатларни қолоқлиқдан чиқариш муаммоси каби кичик бўлимларини ўз ичига олади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, глобал муаммоларнинг кўлами кенг ва талабалар ўзлаштириши лозим бўлган ахборот материаллари катта ҳажмга эга. “Иносониятнинг глобал муаммолари” мавзусини янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида турли метод ва усулларни қўллаб ўтилиши билим, кўникма ва малакаларни талабалар томонидан осон ва онгли ўзлаштирилишига, хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига имкон беради, мавзунинг кўргазмали ва тушунарли бўлишини таъминлайди.

Мавзуни ўтишда муаммоли ўқитиши, ҳамкорликда ўрганиш, тадқиқот технологияларининг “Ақлий хужум”, БББ методи, Инсерт, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа методларидан фойдаланиш юқори самара беради. Мавзуни ўқитишда талабаларини кичик гуруҳларга бўлиш уларнинг дарсдаги фаоллигини таъминлайди. Ушбу метод қўлланилганда талаба кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни қадрлаш имконига эга бўлади. Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъянавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча талабаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

“Иносониятнинг глобал муаммолари” мавзусини янги педагогик технологиялар асосида ўтиш бўйича қуйидаги таълим технологияси модулини тавсия этиш мумкин. Биз педагогик амалиёт даврида ушбу

мавзуни Гулистон шаҳридаги педагогика касб-хунар коллежида эксперимент сифатида ўтказдик.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
касб-хунар коллежи  
**Ў.И.Б.Д. ўринбосари**

## **ДАРС РЕЖАСИ : № 18**

Ўқув машғулотида таълим технологияси модули

Фан : Амалий география

**Мавзу : Инсониятнинг глобал муаммолари (2 соат)**

Машғулот вақти 90 минут	Талабалар сони 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли ва тuri	муаммоли маъруза.
<i>Маруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"><li>Глобал муаммолар ҳақида тушунча.</li><li>Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммоси.</li><li>Экологик муаммо, экологик таназзул.</li></ol>

**Ўқув машғулотининг мақсади :** Талабаларнинг инсониятни ҳозирги кундаги глобал муаммолари, келиб чиқиш сабаблари ва ҳал этиш йўллари тўғрисидаги билимларини чуқурлаштириш.

<b>Педагогик вазифалар :</b> <b>ўқитувчи</b> Инсониятнинг глобал муаммолар ҳақида тушунча бериш; Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммосининг мазмун ва моҳияти билан танишириш; Глобал экологик муаммолар унинг турлари ҳақида маълумот бериш; Дунё океанининг ифлосланиши, чучук сув етишмаслиги, чўллашиш муаммоларини тушунтириш; Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, “Озон” туйнуги муаммоси ҳақида маълумот бериш.  <b>Таълим усуслари:</b>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b> Талаба: Инсониятнинг глобал муаммолар ҳақида тушунчага эга бўлади; Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммосининг мазмун ва моҳияти билан танишади; Глобал экологик муаммолар унинг турлари ҳақида маълумотга эга бўлади; Дунё океанининг ифлосланиши, чучук сув етишмаслиги, чўллашиш муаммоларини тушуниб олади; Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, “Озон” туйнуги муаммоси ҳақида айтиб беради.
<b>Таълим шакли:</b>	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш
<b>Таълим воситалари:</b>	Визуал материал, техника воситалари, кўргазмали қуроллар, тарқатма карточкалар, доска, б ўр.
<b>Талим бериш шароити:</b>	Махсус техника воситалари билан жихозланган ўқув хонаси
<b>Мониторинг ва баҳолаш:</b>	Оғзаки сўров, Блиц-сўров,

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вакти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
<b>1-босқич Муаммола кириш. (20 мин)</b>	<p>1.1. Машғулот мавзусини, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади.</p> <p>1.3. Мавзу режаси, билан таништиради. (1-илова)</p> <p>1.4. Мавзу бўйича асосий тушунчалар билан таништиради: глобал муаммолар, минтақавий ва маҳаллий муаммолар,</p> <p>1.4. Гурухни кичик гурухларга бўлади. Кичик гурухларда ишлаш ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.(2-илова)</p> <p>1.5. Муаммоли вазиятни яратади, талабаларни уларни ечишга йўналтиради,</p>	<p>Тинглайдилар, таянч ибораларни ёзиб олиб, ёдда сақлайдилар, Визуал материалдан фойдаланадилар.</p> <p>Топширикларни б ажарадилар, муаммоларни жуфтликда мухокама қиласидилар, саволлар берадилар.</p>
<b>2- босқич Асосий (50 мин)</b>	<p>2.1. Билимларни янада аниқлаштириш мақсадида Б.Б.Б. методи билан таништиради. Ҳар бир гурухга жадвал ва бажариш қоидалари ёзилган карточкалар (3-илова) тарқатилади.</p> <p>2.3. Ҳар бир гурухга мавзу матни ёзилган тарқатма материалларни тарқатади.(4-илова)</p> <p>2.4. Гурухларга муаммоли саволлар ёзилган карточкаларни тарқатади ва уларни биргаликда ўчишга чорлайди (5-илова). Гурухлар ишини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. (6-илова).</p> <p>2.5. Муаммони тўғри тушунганикликларига ишонч ҳосил қилиш учун бир гурухдан иккинчи гурухга ўтиб, мунозарани фаоллаштиради ва зарур бўлганда мақсадга йўналтиради.</p> <p>2.6. Ҳар бир гурухдан “эксперт” этиб тайинланган талаба гурухга берилган саволларга жавоб беришини ташкиллайди.</p>	<p>Гурухларга бўлинадилар, муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар. Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гурухларда мухокама қиласидилар, уларни таҳлил қиласидилар, энг мақбулларини танлайдилар, ягона фикрни ифодалайдилар. Натижаларни маълум қиласидилар, бошқа гурух варианtlарини мухокама қиласидилар.</p>
<b>3-босқич Якуний (20 мин)</b>	<p>3.1. Мавзуни умумлаштиради, хуносалар қиласиди ва якун ясайди. Талабалар дикқатини мавзунинг асосий томонларига қаратади (слайдлар намойиши).</p> <p>3.2. Талабалар фаолиятини баҳолайди. Гурух ишларини самарасини ошириш бўйича таклифлар беради.</p> <p>3.4. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: мавзу бўйича блиц-ўйин жадвалини тўлдиринг.</p>	Энг мақбулларини аниқлайдилар.

## 1-Илова

1. Глобал муаммолар ҳакида тушунча.
2. Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммоси.
3. Экологик муаммо, экологик таназзул.

## 2-Илова

### **Гуруҳ билан ишлаш қоидалари**

Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири :

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга қўмак беришлари лозим;
- гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим

### **Талабаларни баҳолаши мезонлари кўрсаткичлари**

Гуруҳ	Баҳо	Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари			
		Маълумот-нинг тўлалиги	Гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги	Мисоллар келтира олгани	Жами
	<b>Балл</b>	<b>1,0</b>	<b>0,5</b>	<b>0,5</b>	<b>2</b>
1					
2					
3					

### **Гуруҳларга қўйилган баллар кўрсаткичлари**

Гуруҳ	1	2	3	Умумий балл	Баҳо
1					
2					
3					
4					

### 3-Илова

#### **Б/Б/Б ЖАДВАЛИ ТУЗИШ ҚОИДАСИ**



Жадвални тузиш қоидаси билан  
танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда  
жадвални расмийлаштирадилар.

“Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва  
“Нимани билишни хоҳлайсиз” деган  
саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш  
учун йўналтирувчи асос яратилади).  
Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.

Маъruzani тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.

Мустақил /кичик гуруҳларда жадвалнинг 3  
бўлимини тўлдирадилар.

#### Б/Б/Б жадвали

№	саволлар	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	Глобал муаммолар.			
2	Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммоси.			
3	Экологик муаммо, экологик таназзул			

### 4-Илова

#### **Гуруҳларга бериладиган тарқатма материаллар.**

XX асрга келиб, инсониятнинг табиатга таъсири шу қадар кучайдики, натижада бир қатор глобал муаммолар вужудга кела бошлади. Бутун дунёни қамраб олган, инсониятнинг бугунги куни ва келажагига хавф соловчи, ечимини топишда барча давлатлар ва халқларнинг ҳамжиҳатлик билан биргаликда ҳаракатини талаб қилувчи муаммолар **глобал муаммолар** деб аталмоқда. Глобал муаммолар аҳоли, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ва атроф мухит ўртасидаги ўзаро муносабатлар натижасидир.

Глобал муаммолар, **биринчидан** – жами инсониятга, барча мамлакатлар халқлар, ижтимоий табакалар манфаатлари ва тақдирларига таъсир

кўрсатувчи; **иккинчидан** – иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда катта талофатларга, инқирозларга сабаб бўлувчи, чукурлашган тақдирда эса жаҳон цивилизациясининг мавжудлигига ҳам хавф солувчи; **учинчидан** – ечимини топишда умумпланетар миқёсидаги ҳамкорликни, барча мамлакатлар ва ҳалқларнинг биргаликда ҳаракат қилишини талаб қилувчи муаммолардир. Глобал муаммоларнинг сони тахминан ўнтадан қирқ-елликтагача боради. Лекин шуларнинг ичидаги асосий, энг муҳим интеграл муаммоларнинг сони ўнтадан ошмайди (10-чизма).

***Ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан чиқариши*** глобал муаммоларнинг энг муҳимири. Мазкур муаммонинг долзарблиги дунё сиёсий харитасида қолоқ мамлакатлар сони ва салмоғининг катталиги ва мавқеининг сезиларли ҳолда ошганлиги билан боғланган.



## 10-чизма. Инсониятнинг глобал муаммолари

Хозирги вақтда жаҳонда мавжуд барча мамлакатларнинг 30 фоизга яқини қолоқ ҳисобланади. Шуларнинг  $\frac{3}{4}$  қисми Африкада, 1 таси Европада, 4 таси Жанубий Америкада ва 11 таси Осиёда жойлашган. Иқтисодий қолоқлик мазкур мамлакатларда сиёсий беқарорлик ҳамда ижтимоий тенгизлиқ, ирқий ва диний зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Марказий ва Шарқий Африкада, Руанда ва Бурунди давлатларида 1994-йилларда юз берган этник можаролар бир миллиондан ортиқ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди.

Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммоси XX аср иккинчи ярмининг деярли 40 йил мобайнида ҳақли равишда инсониятнинг энг муҳим муаммоси бўлиб келган. 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларда дунё сиёсий харитасида бўлиб ўтган чуқур ва миқёсли ўзгаришлар Ғарб билан Шарқ ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган глобал ядро уруши хавфни амалда йўқ бўлишига сабаб бўлди. Бундай ҳолат ушбу хавфни тарқатувчи мамлакатлар Россия ва АҚШ ҳамда НАТО давлатларида ҳарбий-сиёсий соҳада аниқ амалий тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш билан боғлангандир.

XX асрга келиб, кичик кўламдаги (локал) **экологик муаммолар** ўсиб регионал ва глобал экологик муаммоларга айланди. Бугунги кунда энг долзарб экологик муаммоларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- “иссиқхона самараси”;
- озон қатлами ning сийракланиши;
- Дунё океани сатҳининг қўтарилиши;
- чўллашиш;
- ўрмонларнинг камайиши;
- ер ва сув ресурсларининг ифлосланиши;
- ҳудудий экологик муаммолар.

*Иссиқхона самараси.* Яъни атмосфера таркибида иссиқхона газларининг (карбонат ангидриди, метан, азот чала оксиди ва шу кабиларнинг) кўпайиши натижасида ер юзи исиб, иқлим ўзгариб бормоқда. АҚШ олимларининг фикрича, атмосферага чиқарилаётган газларнинг

хозирги суръати сақланиб қолса, ҳар 10 йилда ҳарорат  $0,2\text{-}0,5^0$  га ортиб боради. Ҳаво ҳарорати  $1^0$ га ортганда тундра ва ўрмон-тундранинг майдонлари 2 баровар,  $2^0$ га кўтарилганда эса 6 баровар камайиши тахмин қилинмоқда. Ўрта Осиё ҳудудида ҳарорат қишда  $1^0$  ёзда еса  $0,5\text{-}1^0$  га ўзгариши мумкин. Шимолдаги бундай ўзгаришлар табиий комплекслар мувозанатини кескин ўзгартиради.

*Озон қатламининг сийракланиши.* Озон қатлами атмосферанинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, у иқлимга ва ер юзасидаги барча тирик организмларни нурланишдан сақлаб туради.

Озон қуёш нурлари таъсирида кислород, азот оксиди ва бошқа газлар иштироқида ҳосил бўлади. Озон кучли ултрабинафша нурларни ютиб, Ер юзидаги тирик организмларни ҳимоя қиласди. Ултрабинафша нурларнинг ортиши тирик организмларга салбий таъсир этади. Ултрабинафша нурлар таъсирида нурланиш одамларда терининг куйишига олиб келади. Бугунги кунда тери раки билан касалланиш ушбу нурлар таъсирида келиб чиқаётганлиги аниқланган.

Ҳозирги даврда хлорформетанлар (фреонлар)дан кенг фойдаланиш туфайли ҳамда азотли ўғитлар, авиация газлари, атом бомбаларини портлатишлар атмосферада етарли миқдорда озон тўпланишига имкон бермаяпти.

*Чучук сув муаммоси.* Чучук сувнинг биосферадаги роли жуда катта. Гидросферада чучук сув миқдори жуда оз бўлиб, у 2,8 % ни ташкил этади. Чучук сув заҳираси асосан кутблардаги музликлардир. Жамиятнинг ривожланиши билан аҳолининг чучук сувга бўлган талаби ортиб бормоқда. Бизнинг асримизда чучук сувдан фойдаланиш 7 марта ортган. Йилига  $3 - 3,5$   $\text{km}^3$  сув сарфланмоқда. XXI асрга бориб ушбу қўрсаткич  $1,5 - 2$  марта ортиш имконига эга. Дарёларнинг умумий йиллик оқими ер юзи бўйича 50 минг  $\text{km}^3$ .

Қурғоқчили минтақаларда дарёлардан тўлиқ фойдаланилганда уларнинг суви у ерда яшовчи аҳоли ва хўжалик эҳтиёжлари учун етмай қолмоқда. 1980

йилларда бундай ҳолат Африка, Австралия, Италия, Испания, Мексика давлатлари, Нил, Сирдарё, Амударё ва баъзи бир бошқа дарёларда кузатила бошланди. Дарёларнинг саноат ва майший заҳарли моддалар билан ифлосланиши ўсиб бормоқда. Саноат йилига  $160 \text{ км}^3$  оқава сувларини дарёларга ташлайди. Бу кўрсаткич дарёларнинг умумий сув миқдорининг 10 % ни, баъзи ривожланган мамлакатларда 30 % ни ташкил этади. Дарё сувларида йилдан йилга ҳар хил эриган моддалар, заҳарли кимёвий моддалар ва бактерияларнинг миқдори ортиб бормоқда.

Табиатга инсон хўжалик фаолиятининг салбий таъсириларидан бири **чўлланиши** ҳодисаларидир. Инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб табиатга маълум миқдорда таъсир этиб келади ва уни кучли даражада ўзгартириди. Олимларнинг таъкидлашича, бугунги кунда Ер шари қуруқлигининг 55% дан ортиқроғи маданий ландшафтларга айланган. Маданийлашган худудлар ўзининг табиий қиёфасини йўқотди. табиий комплекслар табиий антропоген комплексларга айланди ва улардаги асосий харакатлантирувчи, ўзгартирувчи куч қудратли техникага эга бўлган инсон омилига айланди.

Инсоннинг хўжалик фаолияти айниқса ўсимлик ва хайвонот дунёсига катта зарар етказди. Инсон таъсирида шу кунга қадар 326 турдаги юксак ўсимликлар, 63 тур сут эмизувчилар, 100 дан ортиқ тур қушлар кирилиб кетди. Айни вақтдаги инсон хўжалик фаолияти туфайли ўнлаб тур ўсимлик ва хайвонлар ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиш хавфига учраган.

Ер шаридаги ўрмонларни ёғоч, ўтин учун, яйловлар ҳосил қилиш учун кесиб юборилиши натижасида уларнинг майдони кескин камайиб бормоқда. Айниқса тропик ва нам экваториал минтақалардаги ўрмонлар кесилиб юборилмоқда. Маълумотларга қараганда кейинги 200 йил ичida Ер шаридаги ўрмонлар майдони 56% дан 25% га тушиб қолган. Ҳар йили ер шаридаги ўртacha 25 млн. га ердаги ўрмон майдони камаяди.

Инсоннияг меҳнат фаолияти натижасида атроф муҳитга турли хил чиқиндилар чиқарилади. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб китобларига қараганда, 70 йилларнинг охирларида, инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида дунё

бўйича йилига 23—40 млрд. т чиқинди вужудга келган. XXI аср бошларида бу кўрсаткич 105 млрд. т гача қўпайиши башорат қилинган.





**1-жадвал. Йўқолиши хавфидаги турлар сони  
(Халқаро «Қизил китоб» маълумоти бўйича)**

№	Таксонлар	Турлар	Кенжа турлар	Жами	Умумий турлар сонига нисбатан % ҳисобида
1	Сут эмизувчилар	227	93	320	6,2
2	Қушлар	264	167	431	4,6
3	Судралиб юрувчилар	74	61	135	1,8
4	Амфибиялар	34	7	41	2,8
5	Чучук сувдаги балиқлар	169	25	194	3,5
6	Юксак ўсимликлар	25000 дан кам емас		10 дан кам эмас	

Чиқиндилар (қаттиқ, газ симон ва суюқлик ҳолатда) нинг бир қисми ҳавога, бошқаси сувга, тупроққа, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ўтиб, тўпланиб боради. Тадқиқотлар натижалари шуни тасдиқлайдики, ҳеч бир чиқинди модда Ернинг тортиш кучини енгиб койнотда изсиз йўқолиб кетмайди. Шу боисдан ҳам заминдан кўтарилилган чиқиндилар атмосферада, дарё ва кўлларга ташланган оқава сувлар, минерал ҳом ашёлар, кимёвий моддалар, хўжаликда фойдаланилган чиқинди буюмлар мазкур ҳавзаларда, океанга тушган чиқиндилар эса сувда тўпланиб боради.

## 5-Илова

### **Гурухларга бериладиган вазиятли тарқатма карточкалар.**



### **6-илова. Мавзуга якун ясаймиз**

*Уйга вазифа: Кейинги дарсга глобал муаммоларга доир материаллар чоп этилган газета ёки журналлар олиб келиши.*

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, академик лицей ва касб-хунар коллежларида “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзуси 4 соатга мўлжалланган бўлиб, қўйида иккинчи дарсни “маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик”, муаммоли таълим, кичик гурухларда ишлаш методидан фойдаланиб ўтиш бўйича дарс ишланмасини тавсия этамиз. “Маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик” методи қуйидагича амалга оширилади:

**1- қадам.** Ўқитувчи талабаларга олдинги дарсда вазифа сифатида глобал муаммоларга доир материаллар чоп этилган газета ёки журнал олиб келиш топшириғини беради.

**2- қадам.** Талабалар география дарсларида ушбу газета ёки журналдаги ўзлари учун янгилик бўлган воқеалар акс эттирилган информацияларни ажратиб олишлари мумкинлиги айтилади. Бажариш учун 2 дақиқа вақт берилади.

**3- қадам** талабалар кичик гурухларда ишлаш учун ўқитувчи ёрдамида алоҳида етти кишидан иборат гурухларга ажратилади ва ҳар бир гурух алоҳида столда жойлашади.

**4- қадам** ўқитувчи томонидан талабалар ўтирган гурух столига дунё ҳаритаси ёпиширилган филипчарт қоғози қўйилади.

**5- қадам.** Кичик гурухларда ишлаш учун иштирокчиларга қизикарли бўлган янги маълумот ва ахборотлар сараланиши лозимлиги айтилади. Саралаб олинган маълумотлар 5 дақиқа ичидаги кесиб олинади.

**6- қадам.** Амалга оширилган иш яъни маълумотлар дунё ҳаритасидаги мамлакатларда содир бўлганлигига қараб ҳар бир давлатнинг ўзига мос бўлган ҳудудда жойлаштирилади.

**7- қадам.** Кейинги босқичда ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган ишлардаги янгиликлар гурухланади. Масалан: Экологик муаммоларга оид: иқтисодиётга, сиёсатга ва фан тараққиётига, спорт ва маданиятга, ўсимликлар дунёсига ва бошқа йўналишларга.

**8- қадамда** энг фаол иштирок этган мамлакатлар ҳақидаги маълумотлар ажратиб кўрсатилади ва бу фаолликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гурухда фикрлар мухокама қилинади.

**9- қадам.** Кичик гурухдаги маълумотлар ўртасидаги боғлиқликлар бизнинг давлатимиз билан нечоғлиқ ҳамкорликда амалга оширилишига қараб рангли маркерлар орқали узвий боғлиқлиги аниқланади.

**10- қадам.** Гурух томонидан амалга оширилган иш бир иштирокчи томонидан тақдимот қилинади. Шунингдек, барча гурухлар фаолияти тақдимот қилинади. Савол-жавоблар орқали тўлдирилиши мумкин.

Дарсни олиб борувчи ўқитувчи машқ якунида талабаларга ўқув цикли бўйича қуйидаги саволларни беради:

1. Машқ сизга ёқдими?
2. Сиз ушбу машқни бажариш жараёнида нималарга эътибор бердингиз?
3. Гуруҳда ишлаш жараёнида қайси ўртоғингизнинг фаолияти ёқди?

Аксинча сиз машқни амалга ошириш жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

4. Сўнгра умумлаштирувчи савол сифатида ушбу машқ сизга нима берди, Сиз қандай янги информация ёки маълумотлар билан танишдингиз каби саволлар билан талабаларнинг ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини таҳлил қиласиди ва баҳолайди. Ушбу машқни **она тили** дарсларида **тарих** дарсларида фойдаланиш ҳам ижобий натижа беради. Бунда талаба матнларда берилган гапларни ажратиб олиши ҳамда матнда янгидан тузиши ёки турли мавзулардаги бир-бирини тўлдирувчи янги кичик матн яратиши ҳам мумкин. Яратилган янгидан ишлов берилган матн тақдимоти ўтказилиши ва таҳлил қилиниши ҳам талабаларнинг ижодий фаолият юритишларига йўналтиради.

5. Демак, машғулотлар ўртасидаги боғлиқлик машқи орқали фақат биргина фан имкониятларини эмас, балки **фанлараро ўзаро уйғунлашув интеграциялашув** ходисаси содир бўлади. Шунга ўхшаш вазиятлар орқали ўтказилган машқлар дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда жиддий таъсир этувчи омилдир. Интерфаол машқларни ўтказиш учун ўқитувчи ташкилий-педагогик илмий методик амалий дидактик жиҳатдан пухта тайёргарлик қўриши керак.

## **ДАРС РЕЖАСИ : № 19**

Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

Фан : Амалий география

### **Мавзу : Инсониятнинг глобал муаммолари (2-дарс)**

Машғулот вақти 90 минут	Талабалар сони 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	муаммоли маъруза.
<i>Марзу машигулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Демографик сиёsat ва демографик муаммолар. Энергетика ва хом ашё муаммоси, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳал қилиш йўллари.</li> <li>Озиқ-овқат муаммосини ечишнинг экстенсив ва интенсив йўллари.</li> </ol>

**Ўқув машғулотининг мақсади :** Талабаларнинг инсониятни ҳозирги кундаги глобал муаммолари, келиб чиқиш сабаблари ва ҳал этиш йўллари тўғрисидаги билимларини чуқурлаштириши.

<b>Педагогик вазифалар :</b> <b>ўқитувчи</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Инсониятнинг глобал муаммолар ҳақида тушунча бериш;</li> <li>- Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммосининг мазмун ва моҳияти билан таништириш;</li> <li>- Глобал экологик муаммолар унинг турлари ҳақида маълумот берниш;</li> <li>- Дунё океанининг ифлосланиши, чучук сув этишмаслиги, чўллашиш муаммоларини тушунириш;</li> <li>- Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, “Озон” туйнуги муаммоси ҳақида маълумот берниш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>- Инсониятнинг глобал муаммолар ҳақида тушунчага эга бўлади;</li> <li>- Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммосининг мазмун ва моҳияти билан танишади;</li> <li>- Глобал экологик муаммолар унинг турлари ҳақида маълумотга эга бўлади;</li> <li>- Дунё океанининг ифлосланиши, чучук сув этишмаслиги, чўллашиш муаммоларини тушуниб олади;</li> <li>- Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, “Озон” туйнуги муаммоси ҳақида айтиб беради;</li> </ul>
Таълим усууллари:	“маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик”, муаммоли таълим, кичик гурухларда ишлаш
Таълим шакли:	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш
Таълим воситалари:	Визуал материал, техника воситалари, кўргазмали қуроллар, тарқатма карточкалар, доска, б ўр.
Талим бериш шароити:	Махсус техника воситалари билан жихозланган ўқув хонаси
Мониторинг ва баҳолаш:	Оғзаки сўров, Блиц-сўров,


## Маъруза машғулотининг технологик ҳаритаси

Иш босқичлари ва вакти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
<b>1-босқич Муаммога кириш. (10 мин)</b>	<p>1.1. Ўтилган дарсни тақорорлаш юзасидан кластер тузишни таклиф етади ва қоидаси билан танишидиради. (1-илова).</p> <p>1.2. Машғулот мавзусини, мақсад ва ва кутилаётган натижаларни етказади. (2-илова)</p> <p>1.3. Талабалар кичик гурухларга бўлинади. Кичик гурухларда ишлаш мезонлари еслатиб ўтилади.</p> <p>1.4. Тарқатма материаллар билан танишидиради. (3-илова).</p>	<p>Тинглайдилар, таянч ибораларни ёзиб олиб, ёдда саклайдилар, Визуал материалдан фойдаланадилар. Топшириқларни бажарадилар, муаммоларни жуфтликда мухокама қиласидилар, саволлар берадилар.</p>
<b>2- босқич Асосий (60 мин)</b>	<p>2.1. Гурухларга “Нима учун” диаграммасини тўлдириш қоидасини тушунтиради, муаммоли саволлар ёзилган карточкаларни тарқатади ва уларни биргаликда ўқишга чорлайди (4-илова).</p> <p>2.3 Талабалар уйга вазифа сифатида олиб келган газета ёки журналдаги мавзуга доир ахборотларни ажратиб олишлари мумкинлиги айтилади.</p> <p>2.5. Талабалар ўтирган гурух столига дунё ҳаритаси ёпиширилган филипчарт қофози кўйилади.</p> <p>2.6. Маълумотлар дунё ҳаритасидаги мамлакатларда содир бўлганлигига қараб ҳар бир давлатнинг ўзига мос бўлган худудда жойлаштирилади.</p> <p>2.5. Муаммони тўғри тушунганликлариiga ишонч ҳосил қилиш учун бир гурухдан иккинчи гурухга ўтиб, мунозарани фаоллаштиради ва зарур бўлганда мақсадга йўналтиради.</p> <p>2.6. Барча гурухлар фаолияти тақдимот қилинишини ташкиллаштиради.</p>	<p>Гурухларга бўлинадилар, муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар. Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гурухларда мухокама қиласидилар, уларни таҳлил қиласидилар, энг мақбулларини танлайдилар, ягона фикрни ифодалайдилар. Натижаларни маълум қиласидилар, бошқа гурух варианtlарини мухокама қиласидилар.</p>
<b>3-босқич Якуний (20 мин)</b>	<p>3.1. Мавзуни умумлаштиради, хulosалар қиласиди ва яқун ясайди. Талабалар дикқатини мавзунинг асосий томонларига қаратади.</p> <p>3.2. Талабалар фаолиятини баҳолайди. Гурух ишларининг самарасини ошириш бўйича таклифлар беради.</p> <p>3.4. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: мавзу бўйича “глобал муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари” жадвалини тўлдиринг (5-илова).</p>	Энг мақбулларини аниқлайдилар.

## **1-илова. Кластерни тузиш қоидаси**

1. Ақлингизга келган барча нарсани ёзинг. Фоя сифатини мухокама қилманг, уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, қачонки янги ғоялар пайдо бўлмагунча қофозга расм чизинг.
4. Кўпроқ алоқа бўлишиллигига ҳаракат қилинг. Ғоялар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни чегараламанг.

БМИ мавзусидан келиб чиқиб, қуидаги кўринишдаги кластер тузиш мумкин:



## **2-илова.**

### **Режа**

1. Демографик сиёsat ва демографик муаммолар.
2. Энергетика ва хом ашё муаммоси, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳал қилиш йўллари.
3. Озик-овқат муаммосини ечишнинг экстенсив ва интенсив йўллари.

## **3-илова. Тарқатма материаллар**

Демографик сиёsat-ахоли сиёsatининг асосий қисми бўлиб, жамият тараққиётининг турли босқичлари ва турли давлатларда ўзига хос хусусиятларга, йўналишларга эгадир. Ахоли сиёsatи демографик сиёsatтага

қараганда кенг қамровли бўлиб, аҳолини ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган ижтимоий — иқтисодий сиёsat йўналиши ҳисобланади.

Аҳоли ривожланиши эса, ўз навбатида унинг ҳам миқдорий ҳам сифатий жиҳатларини ўзгариб боришида намоён бўлади. Аҳолининг миқдорий ривожланиши деганда, маълум даврда, маълум худуд аҳолиси ёки миллатнинг сон жиҳатидан ўзгариб бориши тушунилади. Аҳолининг сифатий ривожланиши эса, асосан унинг саломатлиги, ўртacha умр кўриши, билим даражаси ва" таълим тарбия олиши ва комиллигига ўз ифодасини топади. Аҳоли ривожланиши ижтимоий-иктисодий ривожланишининг узвий қисми бўлиб, у ўз ичига аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнини ҳам олади. Аҳоли сиёsatининг мақсади давлат томонидан аҳолининг ҳам миқдорий (нормал, оптимал даражада) ҳам сифатий ривожланишини таъминлашдир. Аҳоли ривожланишига маълум даражада таъсир этиб бориш тарихий жараёндир. Ушбу жараён жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида, шу даврнинг ижтимоий — иқтисодий шароитига мос ҳолда, алоҳида мазмунга эга бўлган.

Ҳозирги вақтда энергетика ва хомашё муаммоси иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг долзарб муаммолардан биридир. Мазкур муаммоларнинг кун тартибига биричи бор чиқиши XX асрнинг 70-йилларида қайд этилди. 1973-йилда юз берган энергетика муаммоси ва унинг оқибатлари ҳозирги кунгача сезилмоқда. Энергетик инқироз ва ундан кейинги чуқурлашган ҳом ашё муаммоси ёқилғи ва хомашёга бўлган талаб ва таклиф нисбати билангина белгиланмасдан, балки уларни қазиб чиқариш шароитлари, даставвал кон геологик шароитларнинг мураккаблашуви ҳамда хомашё қазиб олинаётган ва у бирламчи қайта ишланаётган ҳудудларда экологик вазиятнинг ёмонлашуви билан ҳам боғлангандир.

Жаҳон озиқ-овқат муаммоси социал-иктисодий муаммо бўлиб, биринчи галда ижтимоий шароитга ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражасига боғлиқдир. Чунки ишлаб чиқарувчи кучлар табиий шароит ва ресурслардан озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун фойдаланишнинг

аниқ йўлларини аниқлаб беради. Бу ерда Малтус “назарияси”нинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Янги малтусчилар ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат муаммосини аҳолининг тез ўсиши демографик портлаш билан боғламоқчи бўладилар.

Озиқ-овқат муаммосининг кескинлашишига тобора авж олаётган экологик қийинчиликлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Чўллар майдонининг кенгайиб бориши, ўрмонларнинг кесиб юборилаётгани, тупроқ эрозиясининг кучайиши, чучук сув муаммосининг кескинлашуви ва бошқалар таъсирида ирригация тизими секин-аста ишдан чиқиши шулар жумласидандир. Озиқ-овқат муаммоси бўйича бир қанча халқаро анжуманлар ўтказилди. Ривожланаётган мамлакатларга озиқ-овқат ёрдамлари кўрсатилмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси иқтисодий ривожланган мамлакатларда деярли ҳал қилинган бўлса-да, Ер шарининг катта қисмида XX аср 90-йилларида хам энг кескин муаммо (1992 йил Сомолидаги очарчилик 1 млн.дан ортиқ сомалиликларнинг ҳаётни олиб кетди.) сифатида қайд этилган. Озиқ-овқат муаммосининг кескинлиги МДҲ ҳудудидаги айrim мамлакатлар учун хам тавсифли жараёндир. Туйиб овқат емаслик ва ярим очлик *Африка, Осиё ва Лотин Америкаси учун ўзига хос “доимий” муаммо* бўлиб қолди.

Озиқ-овқат муаммоси инсониятнинг энг қадимги муаммоларидан бири ҳисобланади. Очарчилик қадимги даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам инсонларнинг бошига тушган энг катта кулфатлардан бири бўлган. Очарчилик 2 шаклда намоён бўлади. Биринчи шаклида очарчилик сурункали давом этади, унинг натижасида одамларнинг соғлиғи ёмонлашади, тинкаси қурийди ва ҳар хил касалликларга чалиниши эҳтимоли куйчаяди. Очарчиликнинг бу шакли “тўйиб овқат емаслик” деб ҳам аталади. Иккинчи шаклида маълум бир вақтда, маълум бир ҳудудда қурғоқчилик ёки бошка сабаблар билан боғлиқ бўлган очарчилик оқибатида миллионлаб, ўн миллионлаб инсонлар ҳалок бўлади.

ФАО (халқаро озиқ-овқат билан таъминлаш ташкилоти), ВОЗ (халқаро соғлиқни сақлаш) ва бошқа ташкилотларнинг маълумотига кўра инсоннинг бир кунлик озиқ-овқат нормаси 2400-2500 ккал.дан паст бўлмаслиги лозим. Баъзи муаллифлар ушбу кўрсаткич 2700-2800 ккал. га тенг бўлиши лозим деб ҳисобламоқдалар. Шу билан бирга, маскур кўрсаткич инсонларнинг ёши, жинси, меҳнат фаолияти, касб-ҳунари, табиий-ижтимоий шароитлари билан алоқадор тарзда ўзгариши мумкин. “Тўйиб овқат емаслик” ҳолати юқоридаги норма 1800 ккал. дан пастга тушганда сезила бошлайди, очарчилик эса ушбу кўрсаткич 1000 ккал. дан кам бўлганда кузатилади.

ФАОнинг маълумотларига кўра ердаги жами аҳолининг 35 фоизи тўйиб овқатланади, 15 фоизи зарурӣ миқдордаги калорияларни қабул қиласи, лекин улар оқсилни етарли миқдорда истеъмол қилмайди. Аҳолининг 20 фоизи оқсилга бўлган талаби қондирилмайди, 30 фоизи сурункасига оч қолади. Ҳозирги вақтда очарчилик 580-650 млн. кишини қамраб олган. 1-1,3 млрд. киши эса тўйиб овқат емайди. Ривожланаётган мамлакатларда очарчиликдан йилиги 13 млн. дан 18 млн. гача киши ўлади, шуларнинг  $\frac{3}{4}$  қисмини болалар ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда очарчиликка маҳкум бўлан жами аҳолининг 200 млн. Африкага, 370 млн. киши Жанубий ва Жанубий-шарқий Осиёга, 70 млн. Жанубий Америкага, 30 млн. киши Яқин ва Ўрта Шарқ регионларига тўғри келади.

Юқоридаги муаммони ҳатто жуда катта миқдордаги озиқ-овқат ёрдам кўрсатиш билан ҳам ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун ривожланаётган мамлакатларни иқтисодий қолоқликдан чиқариш, иқтисодий-ижтимоий тараққиётини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш зарур.

Дарҳақиқат, ер юзида аҳоли сони 1960 йилда – 3 млрд кишини ташкил қилган эди. 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 6 млрд.дан ошиб кетди. 2013 йили эса 7 млрд 71 млн 398 минг кишини ташкил этди. Ер юзида аҳоли сонини ҳар йили ўртacha 2 фоиз ўсиб бормоқда, йиллик ўртacha ўсиш суръати ривожланган мамлакатларда 1 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда 2.5 – 3 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозирги вақтда талабга нисбатан қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларига бўлган таклиф 7 фоизга етди. Жаҳон аҳолисининг 72 фоизи паст даражадаги даромад оладиган шароитида, 25 фоизи юқори даромад оладиган шароитда яшайди.

Жаҳон қишлоқ хўжалигининг глобал ва энг долзарб вазифаси бутун инсониятнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва жаҳон саноатининг қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган эҳтиёжларини *атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда* тўла таъминлашдан иборат. Бу вазифа баъзи бир маҳсулотларни ҳисобга олмаганда, тўлалигича ҳал қилинган эмас. Ҳолбуки, бу масала ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Озиқ-овқат ресурсларини кенгайтиришнинг **биринчи йўналиши** мавжуд ер фондидан самарали фойдаланишdir. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш имконини беради.


**Иккинчи йўналиши** тропик ва қурғоқчил минтақаларда мелиорация ишларини амалга ошириш негизида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи минтақаларни барпо қилиш билан боғлиқ.

**Учинчи йўналиши**, нисбатан қолоқ аграр иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар ва ҳудудларда ИТТ ютуқларидан кенг фойдаланиш ва агросаноат интеграциясини ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кўтариш юқори унумли навлардан деҳқончиликда ва маҳсулдор хайвон турларидан чорвачиликда фойдаланиш хамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг экстенсив ва интенсив шаклларини оқилона уйгуналаштириш билан боғлиқдир.


**4-илова. “Кичик гурӯҳларга бериладиган мустақил иши топшириги :**

**“Нима учун” диаграммасини түлдириңг.**


**1-гурӯҳ**



**2-гурӯҳ**



**3-гурӯҳ**



5-илова мавзуга якун ясаймиз. Уйга вазифа:

**Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари**

<u>№</u>	Энергетика ва хом ашё муаммоси	Демографик сиёsat ва демографик муаммолар	Озиқ-овқат муаммоси
<u>1</u>			
<u>2</u>			
<u>3</u>			
<u>4</u>			

## ХУЛОСА.

Ушбу битириув-малакавий ишида касб хунар коллежларда “Амалий география” курсини ўқитишда янги педагогик технологиялар, хусусан, муаммоли таълим, модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиши ва ўйинли технологиялар ҳамда инновацион методлардан фойдаланиш услублари ёритилган. Тадқиқот жараёнида олиб борилган ишлар бўйича қуидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Педагогик технология – тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салохияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиши ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуудир.

2. Ҳозирги кунда таълим жараёнида кенг қўлланилаётган янги педтехнологияларга муаммоли таълим, дидактик ўйинлар, ҳамкорликда ўқитиши синов дарслари технологиялари киради. Айни вақтда педагог-услубиётчилар томонидан бу технологияларнинг бир қатор метод ва усуллари ишлаб чиқилган.

3. Ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган дарс-суҳбат, дарс-тадқиқот, дарс-конференция, ҳар хил вазифавий ўйинлар талабаларни дарсга тайёрлашда, дарснинг айрим босқичларида ўқитувчининг ўрнини боса олиш имкониятларини яратади.

4. Амалий география курснинг “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини янги педагогик технологиялар асосида ўқитишининг технологиялари, метод ва усулларини танлашда ўқув материали мазмуни ва мураккаблиги, талабаларнинг сони, ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитларнинг етарлилиги ҳисобга олиниши лозим.

5. Педагогик кузатишларимиз ва мавжуд адабиётлар таҳлили амалий география фани талабаларнинг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида рўй берадиган глобал муаммолар ва уарнинг ечими тўғрисидаги билим ва

тушунчаларни шакллантириш долзарб таълимий муаммолардан бири эканлигини кўрсатди. Зеро маънавий баркамол авлод бугунги кунда кенг тафаккур эгаси бўлмоғи керак. Бундан ташқари дарсларни амалий география ўқув фанини замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали ташкил этиш нафақат фанлараро балки мавзулараро боғлиқликни ҳам таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди ҳамда талабалар билиш фаолиятини фаоллаштиради. Талабаларга фақат дастур асосида белгиланган мавзулар тўғрисидаги билимларни берибина қолмасдан, уларнинг дунёқараши ва тафаккурини ривожлантиришга, жамият тараққиёти қонуниятларини ўрганишга ҳам катта ҳисса қўшади.

6. “Иносониятнинг глобал муаммолари” мавзусини ўтишда муаммоли ўқитиши, ҳамкорликда ўрганиш, тадқиқот технологияларининг “Ақлий хужум”, БББ методи, Инсерт, кичик гурухларда ишлаш ва бошқа методларидан фойдаланиш юқори самара беради.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**


1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас қуч.–Т., “Маънавият”, 2008.-176 б.
2. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат - Тошкент, 2003.
3. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиши технологиялари. Тошкент, 2001.-3-256.
4. Аҳмадалиев А., Қосимов А. Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар. - Тошкент, 2006. 34-56-б.
5. Ишмуҳаммедов Р. Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология. Тошкент, “УДАП” 2004.-3-15б.
6. Ишмуҳамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. – 68 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар – Тошкент, 2008.-3-26б.
8. Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гурӯҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истеъдод, 2010.-140 б.
9. Каримова В.М. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик технологияси. – Тошкент, 2000.-10-26б.
10. Каримова В.М., Суннатова Р.И., Тожибоева Р.Н. Мустақил фикрлаш: (Академик лисейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма) – Тошкент, 2000. – 112 б.
11. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар Т., 1997, 92-94 б
12. Саидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Тошкент, 2003.-34б.
13. Толипова Ж.О. Педагогик технологиялар – дўстона мухит яратиш омили. Тошкент, 2005.-12-32б.

14. Толипов Ў., Усмонбоева М. “Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари” Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2006. – 149-175б.
15. Тулаева У. Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар.- Тошкент, 2014. Б-3-34.
16. Усманова Е.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай қилиб ривожлантириш мумкин. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 23 б.
17. Ҳамидов А.А. Геоэкологик мониторинг Фаргона, 2004, 80 б.
18. Шожалилов А., Абдурахимов С., Фофуров С., Юсупов Ф. “Инженерлик педагогикаси ва илғор педагогик технологиялар” Т.: 2004.- 29-44б.
19. География ўқув фанидан умумтаълим мактаблари учун Давлат таълим стандарти (5-9 синфлар). Тошкент, 2012.
20. Фозиев Е., Тошимов Р. “Педагогик фаолиятингизни баҳолашни улдалайсизми?” Тошкент, 2001.-3-28б
21. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Т., 2001, 2-10 жиллар.

### **Интернет сайтлари**

1. <http://book.inf.uz>
2. <http://www.twirpx.com/files/common/geography/dictionaries/>
3. <http://www.twirpx.com/files/common/geography/refs/>
4. <http://www.twirpx.com/files/common/geography/course/>
5. <http://www.edunet.uz> - мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар сайти
6. <http://www.Fikr.uz/blog/> таълим фан тараққиёти/.

## ПРОДОВОЛЬСТВЕННАЯ ПРОБЛЕМА



Гулистан давлат университети 4-босқич талабаси Тўхлиев Мирмуҳсин томонидан 5110500-география ўқитиши методикаси таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Касб – ҳунар коллажларида “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини янги педагогик технологиялар асосида ўқитиши» мавзусида бажарилган битириув малакавий ишига

## **Такриз**

Мустақиллик йилларидағи муҳим воқеалардан бири, яъни 1997 йил Олий Мажлиснинг IX сессиясида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни қабул қилиниши бўлди. Бу асосида таълим тизими босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганлариdek: “ҳаётимизни ҳал қилувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгаришиш, уни янги замон талабига кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига даҳлдор қонун лойиҳалари ҳам бор”, - деган эдилар. Кириш қисмида танлаб олинган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг идентив мақсадлари асосланган ҳамда вазифалари келтирилган. Талabalарни инсониятнинг глобал муаммолари асосидаги жараёнларни ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғор ва замонавий интерфаол усулларидан фойдаланиш, бу жараёнда янги информацион – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгалиги ишда очиб берилган.

Инсониятнинг глобал муаммолари яъни экологик ва демографик, энергетика муаммоси, озиқ-овқат муаммоси, океан сувларидан фойдаланиш муаммоси, тинчлик муаммоларини ўзлаштиришда интерфаол методларидан “Кейс-Стади”, “Ассесмент”, “Синквейн” ҳамда “ФСМУ” усулларидан фойдаланиш методикаси самарали очиб берилган.

География дарсларини ушбу тадқиқот ишида келтирилган интерфаол усулларни қўллаган ҳолда ўтиши талabalарни фанга бўлган қизиқишларини орттириши табиийдир. Ушбу битириув малакавий иш кириш, 2та боб, тадқиқот ишини амалга ошириш мобайнида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, иш юксак савияда ёзилган.

Гулистан давлат университети 4-босқич талабаси Тўхлиев Мирмуҳсин томонидан 5110500-география ўқитиши методикаси таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Касб – ҳунар коллажларида “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини янги педагогик технологиялар асосида ўқитиши» мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига тадқиқот раҳбари

## **Хулосаси**

Ҳозирги янги киритилган замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган мухим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичидаги юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўникма ва малакаларни шакллантириш, фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талааб этади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда.

Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра география фани бўйича таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гурӯҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгалиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу жараённи ҳисобга олган ҳолда, Тўхлиев Мирмуҳсин ўзининг лойиҳа ишини “Блум” таксаномияси асосида “Инсониятнинг глобал муаммолари” мавзусини модул тизими асосида лойҳалаштириб, ёзган.

Биринчи боб “ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ МАЗМУНИ, МОҲИЯТИ, ТАСНИФИ ВА ТУРЛАРИ” деб номланган бўлиб, бунда география фанининг методологияси ва ҳозирги кунда қўлга киритилаётган ютуқлари ҳақида атрофлича ёритилган.

Иккинчи боб ““ИНСОНИЯТНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛарДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ” деб номланган бўлиб, унда илмий дунёкараш таркибларини шакллантиришда интефаол методларидан Кейс-Стади, ФСМУ, ассесмент, синквейн ва кластер, венн диаграммаси каби замонавий педагогик технологиялар ҳақида батафсил ёритиб берилган

**Тўхлиев Мирмуҳсин** ўз ишини юксак савияда бажарганлиги, битирув лойиҳа ишнинг амалдаги Низом талабларига тўла жавоб беришини ҳисобга олиб, “яхши” баҳога баҳолайман.

**«Экология ва география»**

**кафедраси доценти:**

**Л.Каршибаева**